

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Иноғомжонова З.Ф.
Абдурахмонов У.А.

“ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР”
ФАНИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент -2006

Сўз боши

Жиноят процессида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар ўз мазмун, моҳиятига кўра муҳим аҳамиятга эга судгача ва суддан кейинги процессуал ҳужжатлар аниқ шакил ва талабга жавоб бериш шарт. Ҳар бир процессуал ҳужжатни расмийлаштириш зарурияти, субъекти, шарт-шароити, таркиби ва мазмуни мавжуд. Бу масалалар жиноят процессуал қонунда қатъий белгиланган бўлиб, уни талаб даражасида бажармаслик ҳуқуқий оқибатга олиб келади ёки юридик кучини йўқотади. Процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг билим савияси, тажрибаси ва масъулиятини аниқлатади.

Жиноят процессида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар қонуний, асосланган, адолатли бўлиши керак чунки улардан айримлари жиноят судлов ишларини юритишни бошлаб беради, масалан: жиноят ишини кўзгагиш тўғрисидаги қарор, айримлари шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўяди, масалан қамоққа олиш тўғрисида қарор, яна бирлари одилсудлов акти бўлиб, Республика номидан шахсни айбдор деб топади ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлайди, бу албатта ҳукм шундай экан жиноят процессида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш билиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Жиноят процессида расмийлаштириладиган процессуал хужжатларнинг умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларни юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларни юритиш ЖПКда белгиланган тартибда барча суд, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, процесс иштирокчилари, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятни тез ва тўла очишдан, айбли шахсларни фош этишдан жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳуқуқ қилинмаслиги учун айбдорлани фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

Жиноят ишларни юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Процессуал ҳужжатлар суриштирув, тергов ҳаракатларини қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириш, процессуал шакл сифатида қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши шартлигини ҳисобга олиб, уларни қуйидагича таснифлаш лозим:

1. Процессуал ҳужжат уни тузишни назарда тутган қонун нормасига мос келиши керак. Бу талабга асосан:

а) процессуал ҳужжатнинг номи, шакли ва мазмуни мазкур ҳужжатни тузишни назарда тутган қоида нормаларига тўғри келиши шарт;

б) Башарти қонунда процессуал ҳужжатнинг реқвизити кўрсатилган бўлса, (масалан, 360-моддага асосан шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор, 361-моддада кўзда тутилган шахсни жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор) процессуал ҳужжатлар шу реқвизитларни ўзида акс эттириши лозим;

в) процессуал ҳужжатда унинг тузилиши назарда тутилган қонун нормасига ҳавола қилиниши лозим.

2. Процессуал ҳужжатнинг мазмуни иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатларга мос келиши зарур, яъни мазкур ҳужжатда ўз ечимини топадиган масалага тааллуқли, иш бўйича маълум ва аниқланган ҳақиқий ҳолатлар тўла кўрсатилиши лозим. Иш материалларида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлмаслиги, процессуал ҳужжатда нима сабабларга асосан баъзи ҳолатлар қабул қилиниб, баъзилари рад этилганлигини кўрсатиш керак. Мазкур процессуал ҳужжатнинг тузиш зарурлиги иш ҳолатларидан келиб чиқиши ҳамда жиноят иши материалида ўз ўрнини топиши керак.

3. Процессуал ҳужжат мантикий, қисқа ва аниқ бўлиши лозим. Ҳужжатдаги фикр ва мулоҳазалар аниқ, мантиқан пухта, судда ва тушунарли бўлиши, ҳар бир ҳолат аввалгидан келиб чиқадиган, бир-бири билан боғлиқ тушунчаларга таяниш, қарама-қарши фикр ва мулоҳазаларга йўл қуйилмаслиги, ҳужжат матнидан келиб чиқадиган ҳулосаларга асосланиши лозим.

4. Процессуал ҳужжат саводли ва юксак савияда расмийлаштирилган бўлиши керак. Процессуал ҳужжат имло қоидаларига мос ва мантиқан сўз боғланиши қоидаларига риоя қилинган бўлиб, ҳозирги замон ҳуқуқий билим савиясига жавоб берадиган даражада саводли тузилиши шарт. Сўзларни қисқартирган шаклда ёзишга йўл қуйилмайди. Ҳужжат покиза, чиройли ва маданиятли расмийлаштирилиши зарур.

Суриштирув ва дастлабки тергов даврида жиноят-процессуал қонуннинг талабларига кўра тузиладиган процессуал ҳужжатларнинг тури кўп. Уларни жиноят иши бўйича икки турга бўлиш мумкин – мажбурий (асосий) турдаги ва ихтиёрий (факультатив) турдаги процессуал ҳужжатлар.

1. Мажбурий (асосий) процессуал ҳужжатлар – суриштирув ва тергов органлари томонидан ҳар бир жиноят иши бўйича тузилиши шарт бўлган ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар суриштирув ва дастлабки тергов даврида юзага келадиган масалалар бўйича ҳулоса ва ечимни, келажакда қандай тергов ҳаракатларини амалга ошириш, далилларни топиш, тўплаш ва расмийлаштиришга оид суриштирув ва тергов органларининг фаолиятини ўзида акс эттиради. Мазкур турдаги процессуал ҳужжатлар – қарор, баённома ва айблов ҳулосасидан иборат.

Қарор – бу суриштирув ва дастлабки тергов даврида жиноят иши бўйича суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг зарур деб ҳисоблаб, бир тўхтамага келганда чиқариладиган процессуал ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси нормаларига асосан жиноят иши бўйича 85 га яқин ҳар хил турдаги қарорлар чиқариш мумкин. (ЖПКнинг 45,47, 49, 56, 54,58, 80, 89, 144, 148, 154, 159, 166, 168, 170, 176, 177, 178, 180, 191, 207, 225, 227, 234, 240, 243, 247, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 256, 263, 265 к.2, 266, 267, 268, 277, 278, 290, 295, 306, 307, 318, 331, 333, 334, 336 б.3, 336 б.4, 336 б.5, 337 б.2, 342, 348 к.1, 348 к.3, 350, 351, 354, 355, 360, 361, 362, 363, 364, 365, 366, 369, 371, 371 к.2, 374, 376, 377, 382, 385, 386, 387, 557, 559, 567, 569, 572 ва 573 – моддалари).

Одатда қарор 3-қисмдан: кириш, баёнот ва қарор, яъни ҳулоса қисмларидан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида қарор қачон, қаерда, ким томонидан чиқарилганлиги (мансаби, махсус унвони, фамилияси) кўрсатилади.

Баёнот қисмида ишнинг ҳақиқий ҳолатлари, қандай ҳулоса ва тўхтамага келганлиги, қандай асосларга кўра шу қарор қабул қилинганлиги, шунингдек жиноят – процессуал кодексининг шу қарорни қабул қилишга асос бўлган моддаси кўрсатилади. Қарорнинг баёнот қисми мазкур процессуал ҳужжатнинг марказий қисмини эгаллайди.

Қарор қисми эса кириш ва баёнот қисмларининг мазмунидан келиб чиқадиган ҳулосадан иборат. Бунда қандай тўхтамага келинганлиги кўрсатилади. Масалан, жиноят ишини тугатиш (ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида белгиланган асосларга кўра), дастлабки терговни тўхтатиш (ЖПКнинг 364-моддасида назарда тутилган асосларга кўра), дастлабки терговни қайта тиклаш (ЖПКнинг 371-моддасидаги асосларга кўра), келтирилган илтимосларни рад қилиш (ЖПКнинг 377-моддаси асосида), тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш (ЖПКнинг 572-моддаси) тўғрисида қарорлар қабул қилиниши мумкин. Тўхтаманинг қарор қисмида бошқа кўрсатмалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. Масалан, ЖПКнинг 331-моддасига асосан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорда унинг бир нусхасини назоратни амалга оширувчи прокурорга юборилиши ҳам кўрсатилиши лозим. Шундай талаблар ишни суриштирувчи ёки терговчи ўз иш юритувига олиш тўғрисидаги (ЖПКнинг 336-моддасининг 3-банди) қарорларга ҳам тааллуқлидир.

Ҳар бир қарор шу ҳужжатни тузган шахс томонидан имзоланади, қоидага кўра тергов олиб борилаётган тилда ёзилади. Қарор тегишлилигига қараб барча ташкилот, корхона, муассаса, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Баъзи қарорлар фақат прокурор томонидан тасдиқлангандан кейин ёки унинг санкцияси олинганидан кейин қонуний қучга қиради. Масалан, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш (ЖПКнинг 243-моддаси), айбланувчини лавозимдан четлаштириш (ЖПКнинг 256-моддаси), телефон ва боша сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПКнинг 170-моддаси), мурдани эксгумация қилиш тўғрисидаги (ЖПКнинг 148-моддаси ва б.) қарорлар.

Баённомалар – тергов ҳаракатларини олиб бориш тартиби ва уларнинг натижаларини қайд қиладиган процессуал ҳужжатлардан ҳисобланади. Улар қонунда кўрсатилган тартибда ҳар бир тергов ҳаракатининг моҳияти ва характерида қараб тузилади. Суриштирув ва тергов ҳаракатларида тузилган баённомалар муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади. Уларни тузишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш шартдир, чунки терговнинг сифати кўпинча тергов ҳаракатини боришини ва натижаларини баённомада тўғри расмийлаштиришга боғлиқ бўлади.

Баённомалар тергов ҳаракатларининг йўналишини ва натижасини акс эттиради, уларни олиб боришга оид шарт ва тартиблари ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Тергов ва суд органлари фаолиятида баённомаларнинг аҳамияти яна шундаки, қонунда кўрсатилган тартибда тузилган бу баённомалар иш учун аҳамиятга молик воқеа ва ҳолатни ҳамда ҳақиқий маълумотларни тасдиқласа жиноят ишини ҳал қилишда далил ҳисобланади (ЖПКнинг 81-моддаси).

Тергов ҳаракатлари баённомаларининг далилий аҳамияти, шу тергов ҳаракатларининг олиб борилиши, уларнинг йўналиши ва натижаларини қайд қилинишининг объектив бўлишини талаб қилади. Шу мақсадда қонун кўпчилик тергов ҳаракатларини олиб боришда ҳолислар иштирок этишини талаб қилади. Уларнинг бу тергов ҳаракатларида иштироки ва улар томонидан тегишли баённомаларнинг имзоланиши, ҳақиқатни аниқлаш, ишни тўғри ҳал қилиш қафолатларидан бири ҳисобланади.

Баённомалар юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи зиммасига юклатилади (ЖПКнинг 90-моддаси).

Баённомаларга: тергов ҳаракатларининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, тергов ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, тартиби ва натижалари, унда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракати иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, раддиялар; тергов ҳаракатини олиб бориш жараёни қоидаларини бузиш ҳоллари, баргараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилиши лозим. Тергов ҳаракати жараёнида далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар – овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилаган бўлса, уларни қўлланишда мутахассислар жалб этилган бўлсалар – буларнинг барчаси баённомада ўз аксини топиши шарт.

Тергов ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Баённомалар қўлда ёки машинкада ёзилиши мумкин. Баённомада барча тергов ҳаракатлари тўлиқ қайд қилинишини таъминлаш мақсадида стенография қўлланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга тааллуқли баённомалар тузиш тартиби ва уларнинг мазмунини махсус белгилаб берувчи моддалар мавжуд. Масалан, ЖПКнинг 131-моддаси – таниб олиш учун кўрсатиш баённомасини, 163-моддаси эса олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш баённомасини тузиш қоидасини белгилаб беради.

Тергов эксперти ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишни қайд қилиш (ЖПКнинг 156 ва 134-моддалари) терговчи зиммасига муҳим вазифа юклайди. Бундай тергов ҳаракатлари тўғрисидаги баённомалар ҳам объектив равишда ва қонун асосида мукамал тузилиши шарт.

Тергов ҳаракатлари ўтказилганни тасдиқловчи баённомалар тузиш ЖПКнинг 52, 64, 90-93, 106, 108, 111, 113, 119, 120, 123, 126, 131, 134, 141, 147, 151, 152, 156, 163, 167, 171, 186, 197, 198, 199, 200, 202, 225, 249 к.2, 251, 252 к.2, 291, 324, 374, 376, 378, 556 к.5, 570 к. 3-моддаларида кўрсатилган. Баённомалар шу моддалар талабига жавоб берадиган даражада тузилиши шарт.

Суриштирувчи ва терговчи баённомаларини тузишда ЖПКнинг 92-93-моддалари талабларига тўла риоя қилишлари керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ шу ҳаракатни содир этувчига баённомани ўқиб чиқишга имкон бериши ёхуд уларнинг илтимосларига кўра ўзлари ўқиб беришлари керак.

Оғзаки қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдиндан изоҳ берилди. Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Башарти процесс иштирокчиларидан бирортаси тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишдан тортсалар суриштирувчи ёки терговчи бу тўғрида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди. Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтирса, у баённомага киритилиши лозим.

Тергов ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсонини туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмаса, баённомани унинг розилиги билан ҳимоячи, унинг вакили ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқора ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилиши керак.

Баённомалар жумласида сўроқ жараёни ва натижаларини қайд қилиш баённомаси алоҳида хусусиятга эга. Уни тузишда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

- сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли ўз қўли билан ёзилган кўрсатув ЖПКнинг 106-моддасига мувофиқ баённомага илова қилиниб, бу ҳақда баённомада ёзилиб қўйилиши шарт;

- сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги сўзларини оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берилган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади.

ЖПКнинг 107-моддасига мувофиқ сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Бинобарин, ЖПКнинг 108-моддасида кўрсатилган ҳолларда яна сўроқ қилиниши зарур бўлса, кейинги сўроқлар қўшимча сўроқ ҳисобланиб, улар тўғрисида қўшимча сўроқ баённомаси тузилади. Мазкур сўроқ баённомасида “илгари сўроқнинг давоми” деб ёзилиши мумкин эмас.

ЖПКнинг 121-моддасида ўз аксини топган вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари (сўроқ қилишда қонуний вакил ёки қатта ёшдаги қариндош, педагог иштирок этишлари; уларнинг процессуал ҳуқуқи ва бурчларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қўмаклашиш маънавий бурч эканлиги эслатиб ўтилиши) уларни сўроқ қилиш тўғрисидаги баённомада тўла кўрсатилиши шарт.

Айблов ҳулосаси - дастлабки тергов ҳулосаларини ўзида мужассамлаштирувчи муҳим процессуал ҳужжатдир. Бу ҳужжатда барча далилларни таҳлил қилиш асосида жиноят ҳолатлари баён қилинади, айбланувчи ва жабрланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, айбланувчини судга бериш учун асос бўлган далиллар қайд қилинади.

Айблов ҳулосасининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий жиҳатдан (жиноят процессуал томондан) у суд муҳокамаси доирасини белгилаб беради ва айбланувчининг ҳимоя қилишнинг процессуал қафолати сифатида хизмат қилади;

- техник жиҳатдан у дастлабки терговда тулланган текширилган далилий материалларни маълум бир тизимга солиб туради;

- сиёсий жиҳатдан аҳамияти шундаки фуқаролар айбланувчининг содир қилган жиноятининг моҳиятини ҳамда унинг қандай ўз исботини топганлигини тушунадилар.

Айблов ҳулосани орқали жиноят ишини прокурор беш сутка давомида атрофлича кўриб чиқади. У жиноят ишини судга юбориш масаласини ҳал қилишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 379-моддасига кўра айблов ҳулосаси тавсиф-асослантириш ва ҳулоса қисмларидан иборат бўлади.

Тавсиф-асослантириш қисмида ишнинг моҳияти – дастлабки тергов давомида аниқланган ҳолатлар баён қилинади: Айбланувчи содир қилган жиноятни қаерда, қайси вақтда, қандай усуллар ва сабаблар билан содир қилганлиги, жабрланувчи тўғрисидаги маълумотлар, жиноят мавжудлиги ва айбланувчининг айбли эканлигини исботловчи далиллар; айбланувчининг айбини

енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар; айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган ваъдалари ва бу ваъдаларни текшириш натижалари баён қилинади. Айблов ҳулосасида баён қилинган ҳолатлар исботловчи варақаларга ҳавола қилиниши лозим.

Бу қондалар айбланувчининг изоҳлари ва ваъдалари айблов ҳулосасида аниқ таҳлил қилиниши лозимлигини тақозо этади. Айбланувчи қайси факт ва ҳолатларни рад этганлигини, унинг қилмиши қандай ҳужжат ва далиллар билан тасдиқланиши, айбланувчининг эътирозини терговчи қандай текширганлигини ва унинг натижаси қайд қилиниши лозим.

Агар айбланувчи ўзини қисман айбдор деб ҳисобласа, қайси фактларни тан олганлиги, қайсыларини рад этганлиги айблов ҳулосасида кўрсатилиши шарт. Айбланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдирса, унинг бу ҳақдаги кўргазмаларидан кўчирмалар ёзиб олиб, унинг аниқ қайси жиноий ҳаракатларни бўйнига олганлиги, уларни содир этиш сабаблари ҳақидаги изоҳларини баён қилиш билан бирга, айбланувчи кўрсатмаларини тасдиқловчи бошқа объектив далил ва манбаларни кўрсатиб ўтиш лозим.

Айб фақат эгри далиллар билан исботлаб берилган айблов ҳулосасида терговчининг ўз ҳулосаларини асослаб бериши алоҳида аҳамиятга эга. Айбланувчи эълон қилинган айб юзасидан унинг тутган йўлини қайд қилиниши билан бирга унинг шахсини тавсифловчи маълумотларни ҳам кўрсатиш керак бўлади. Шунингдек, айблов ҳулосасининг тавсифи ва миқдори ҳақида маълумотлар кўрсатилиши ва улар ишончли далиллар билан асослаб берилиши лозим.

Мураккаб ишлар бўйича эълон қилинган айбнинг ҳар бир бандига оид муҳим ҳолатларни тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

Айблов ҳулосасининг яна муҳим қисми-бу унинг ҳулоса қисмидир. ЖПКнинг 379-моддасига кўра айблов ҳулосасининг бу қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни, ЖКнинг бу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддалари ҳам кўрсатилиши керак.

Айбланувчи ҳақидаги маълумотларга: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи, йили, ойи ва куни, миллати, фуқаролиги, маълумоти, касби, мансаби ишлаш жойи, оилавий аҳволи, партиявийлиги, муқаддам судланган ёки судланмаганлиги ҳақидаги маълумот ва бошқалар қиради. Терговчи эълон қилинган айбни ифодалаб беришда ишнинг жиноий-ҳуқуқий моҳиятини аниқ ва равшан баён этади. Агар иш бўйича бир неча айбланувчилар жавобгарликка тортилган бўлса, уларнинг ҳар бирига қўйилган айб аниқ ифодаланиши ва қатъий чегаралаб кўрсатилиши керак. Айбланувчининг ҳаракатида бир неча жиноят ва унинг қандай тавсиф қилинганлигини ўзида тўла акс эттиради. Ҳулосалар далиллар йиғиндиси билан асослантирилиши, уларни манتيкий томондан тўғри ва муқаммал баён қилиб берилиши лозим. Тўпланган далиллар билан терговчининг ҳулосалари ўртасида, асослаб бериш билан далиллар ўртасида, тавсиф асослантириш билан ҳулоса қисми ўртасида, айбланувчининг айбини ифодалаш билан содир қилинган жиноятни малака қилиш ўртасида қарама-қаршилик бўлмаслиги керак; айбланувчининг барча жиноий ҳаракатларини камраб олиши, айбни ифодалаш, унинг ҳажми ва жиноятни малакаси тергов ишида айбланувчи тарихида иштирок этишига жалб қилиш тўғрисидаги қарорда баён қилинган ҳолатларга мос келиши керак; терговчининг ҳулосалари тўла, ҳар томонлама, объектив ва қонуний ҳамда уларга асосан жиноят-процессуал қонунининг барча талабларига мос бўлибгина қолмай, процессуал шакли жиҳатидан ҳам тўғри бўлганлигига қонуний ва асослантирилган ҳисобланади.

Айблов ҳулосасини тузатишнинг уч хил усули маълум: хронологик, систематик ва аралаш усулдир. Хронологик усулда жиноят иш ҳолатлари терговда қандай аниқланган бўлса, ана шундай баён этилади. Жиноят ишини кўзга тутиш сабаблари ва асосларини кўрсатиш билан терговчи жиноятни текшириш ва айбланувчини фош қилиш жараёнини баён қилинади. Систематик усул шундан иборатки, жиноят айбланувчи томонидан қандай содир этилган бўлса, ана шундай тартибда баён этилади. Бу усул унча мураккаб бўлмаган ва тўғри далилларга асосланган жиноят ишларида қўлланилади. Аралаш усулда эса хронологик ва систематик усулларнинг элементлари бирга қўшилиб кетади.

Тергов олиб бориш ҳолатларига, жиноий ҳаракатларнинг ва тўпланган далилларнинг характериға қараб маълум бир группа ва ҳар бир айбланувчининг аниқ фаолиятини асослаб бериш учун айблов ҳулосаси хронологик, систематик, эпизодик, тематик усулларда баён этилиши мумкин.

Айблов ҳулосасининг ҳажми мумкин қадар ихчам бўлиши лозим. Лекин жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар айблов ҳулосасида тўлиқ ва ишонарли тартибда баён этилиши керак.

Айблов ҳулосаси муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга молик расмий процессуал акт бўлгани учун қатъий шаклда саводли, тушунарли тилда, ҳуқуқий ва бошқа атамаларни ўринсиз ишлатилмаган ҳолда тузилади. Айблов ҳулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади.

Жиноят – процессуал кодекси айблов ҳулосасига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни ва уларни расмийлаштириш тартибини кўрсатиб беради. ЖПКнинг 380-моддасига кўра айблов ҳулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, айбланувчи қанча вақт қамалганлиги, ашёвий далиллар тўғрисида, фуқаровий даъво ва мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолларини таъминлаш чоралари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки ҳулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчи, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади.

2) Факультатив (ихтиёрий) процессуал ҳужжатлар— жиноят иши бўйича тузилиши шарт бўлмаган, лекин содир қилинган жиноятнинг аниқ ҳолатларини, айбланувчининг шахсини тўпланган материалларни ҳисобга олиш зарурият бўлсагина, тузилиб суриштирув органи ва терговчининг иш бўйича тўғри қарор қабул қилишига ёрдам берадиган, процесс иштирокчилари ҳуқуқлари ва бурчларини бажаришини, тергов ҳаракатларининг ўз вақтида белгиланган тартибда ўтказилишини, далилий ашёларнинг сақланишини таъминлашга имконият туғдирувчи ҳужжатларга айтилади. Факультатив характердаги ҳужжатларга: тақдимнома, тилхат, мажбуриятнома, ёзма топшириқ, хабарнома, илтимоснома, кўрсатма, ёзма эътироз, шикоят, чакирув хати, хатлаш ва бошқалар қиради.

Тақдимнома— суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида, шунингдек фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига жамоат бирлашмасига, жамоа ёки мансабдор шахсга юборадиган ёзма процессуал ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддасига кўра мазкур ҳужжат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан муайян жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаб чиқиш, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, маълум жамоа ёки мансабдор шахсга аниқланган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш ва олдини олиш чораларини кўриш учун киритади. Тақдимноманинг нуҳаси ишга қўшиб қўйилади. Тақдимнома кўрилиб чиқиб, кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддатда тегишли суриштирувчи, терговчи, прокурорни хабардор қилинишлари шарт.

Шу билан бирга ЖПКнинг 300-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиш йўли билан тегишли корхона_муассаса ва ташкилот ёки жамоа раҳбарини содир қилинган жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаролар юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

Тилхат— суриштирувчи, терговчи, прокурорга жиноят-процессуал қонунда кўрсатилган ҳолларда ўз зиммасига маълум мажбурият олганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Мазкур процессуал ҳужжат: муносиб ҳулқ-атворда бўлиш (ЖПКнинг 250-моддаси),

шахсий кафиликка олиш (ЖПКнинг 251-моддаси), жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти олганлиги (ЖПКнинг 353-моддаси), мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхасини олганлиги (ЖПКнинг 292-моддаси), вояга етмаган шахсни ота-оналари, васийлари, хомийлари, болалар муассасаси раҳбари қаровига қабул қилганлиги тўғрисида (ЖПКнинг 556-моддасининг 5-қисми) бўлиши назарда тутилади. Тилхатда ким қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олаётганлиги, унинг мазмуни, тилхатдаги мажбурият бажарилмаганда қонунда кўрсатилган жавобгарлик, тилхатнинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилиши лозим. Тилхат уни берган ва қабул қилиб олган шахслар томонидан имзоланади.

Ёзма мажбурият—жамоат ва жамоа бирлашмаси айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисида терговчи, прокурорга берадиган ёзма процессуал ҳужжат. Мазкур ҳужжатнинг мазмуни ва тузилиш тартиби тилхатга ўхшаш. Ёзма мажбурият бериш лозимлиги ЖПКнинг 252-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган.

Талабнома—реабилитация этилган (жавобгарликдан озод қилинган) шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш мақсадида терговчи, прокурор томонидан юбориладиган процессуал ҳужжат. ЖПКнинг 309-моддасига кўра шахс ушлаб турилганлиги, камалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, у шахс реабилитация этилганидан кейин шу ҳақда тегишли оммавий ахборот воситалари хабар беришларини талаб қилиб терговчи, прокурор томонидан юбориладиган процессуал ҳужжат. Талабномада унинг қайси оммавий ахборот воситаларига юборилаётганлиги, реабилитация этилган шахс ушлаб турилганлиги, камалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қачон, ким томонидан эълон қилинганлиги, шахс қачон ва ким томонидан реабилитация қилинганлиги, бу ҳақда оммавий ахборат воситасида хабар берилиши шарт эканлиги кўрсатилиб, терговчи ёки прокурор томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 327-моддасига асосан муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг талабига асосан ўз ихтиёриларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт.

Бу ҳақдаги талабнома тегишли оммавий ахборот воситалари, хабар муаллифларига суриштүвчи, терговчи ёки прокурор томонидан юборилади, ундаги талаб қилинган материаллар ва хабарларнинг ўз вақтида келиб тушиши устидан назорат қилинади.

Хабарнома—қонунда кўрсатилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга йўлланган ва шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қабул қилган қарорлари, ўтказилиши мўлжалланган тергов ҳаракатлари ва уларнинг натижалари тўғрисида манфаатдор шахсларга юбориладиган ёзма ҳужжатдир. ЖПК куйидаги ҳолларда хабарномалар юборишни назарда тутди: процессуал мажбурулов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш (217-модда); жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилгани ҳақида манфаатдор шахсларга хабар бериш ҳолларида. Бу хабарномада уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. (333-модда); жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарилганидан кейин терговчи, суриштирув органининг бошлиғи, суриштирувчи томонидан ишни юритишга киришганлиги тўғрисида прокурорга хабар бериш (336-модданинг 3,4 ва 5-бандлари) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда прокурорнинг санкциясиз ўтказилган тинтув ҳақида йиғирма тўрт соат ичда прокурорга хабар бериш (161-модданинг 1-қисми); кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда прокурорнинг санкциясиз телефон ва бошқа сўзлашув кўрилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисида дарҳол прокурорга ёзма равишда хабар бериш (170-модданинг 3-қисми); дастлабки тергов тўхтагани ҳақидаги хабарнома, қарор устидан шикоят ҳуқуқини тушунтирилиши (374-модданинг 4 ва 5-қисмлари) жиноят ишини тугатиш билан тамомланган ҳолда бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи ва химоячини хабардор қилиш (373-модданинг 2-қисми); илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилганлиги ҳақида илтимоснома берган шахсга хабар бериш, қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқини тушунтириш (377-модданинг 2 ва 3-қисмлари); жиноят ишининг судга юборилганлиги тўғрисида манфаатдор шахсларга хабар бериш (388-модданинг 2-қисми); вояга етмаган айбланувчига эҳтиёт чоралари қўлланилгани тўғрисида унинг қонуний вакилига ёки қариндошларига хабар бериш (555-модданинг 2-қисми); терговчининг дастлабки терговни тамомлаб, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакилига иш материаллари билан танишиш вақти ва жойи тўғрисида хабар бериш (559-модда).

Топшириқ—қонунда белгиланган ҳолларда суриштирув органига жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш, кидирув ишларини олиб бориш ва бошқа қонунда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида терговчи, прокурор томонидан топшириладиган процессуал ҳужжат. ЖПКда куйидаги ҳолларда топшириқ бериш назарда тутилган: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни кадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ бериш (270-модданинг 2-қисми); терговчилар гуруҳи раҳбарининг суриштирув органига тергов ва кидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириғи (355-модданинг 5-банди); терговчининг ўз юритишда бўлган жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида исталган жойдаги бошқа терговчига ёки суриштирувчига бирор тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги топшириғи (347-модда); жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда дастлабки тергов тўхтатилганида терговчи томонидан суриштирув органига айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш хусусидаги топшириғи (367-модданинг 2-қисми); терговчининг тергов ва кидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги суриштирув органи бошлиғига топшириғи (343-модда).

Илтимоснома—жиноят процессуал қонунда куйидаги ҳолларда илтимоснома қилиш назарда тутилади: терговчи томонидан берилган топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтириш ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартириш тўғрисида илтимоснома ёзди (343-модданинг 2-қисми); айбланувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганлиги сабабли ЖПКнинг 368-моддаси асосида дастлабки тергов тўхтатилган тақдирда, жиноят содир этишда айбланаётган ва давлатлар ҳудудида яшириниб юрган шахсларни ушлаб бериш, шу давлатга тегишли органлари томонидан айрим тергов ҳаракатларни ўтказишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўриш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига илтимоснома киритилади 5 ва 570-моддалар).

Кўрсатма — прокурор томонидан буйсунувчи прокурорларга, терговчи ва суриштирувчиларга маълум тергов ёки процессуал ҳаракатларни олиб боришни талаб қилиб ёзма равишда юбориладиган процессуал ҳужжат. ЖПКда жиноят процессининг дастлабки тергов босқичида куйидаги ҳолларда: жиноятларни тергов қилиш малакасини белгилаш, ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни кидириш (382-модданинг 6-қисми); прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсларга нисбатан тўпланган далилларни айблов ҳулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида (383-модда) кўрсатма берилишини назарда тутди.

Эътироз—дастлабки тергов босқичида прокурорнинг ёки терговчилар гуруҳи бошлиғининг кўрсатмасига қўшила олмаслиги, норозилиги тўғрисидаги ёзма хабар. Қонунда куйидаги ҳолларда: терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни малака қилиш ва ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамокка олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш тўғрисидаги кўрсатмаларига рози эмаслигини юқори турувчи прокурорга ёзма равишда

маълум қилиши (36-модданинг 3-қисми); терговчилар гуруҳи раҳбарининг назорат қилувчи прокурор кўрсатмаларига рози эмаслиги тўғрисида юқори турувчи прокурорга ёзма равишда маълум қилиши (355-модданинг 4-банди); гуруҳ аъзолари бўлган терговчиларнинг гуруҳ раҳбарининг топширигини, кўрсатмаларини қонунга хилоф ёки асоссиз деб ҳисобласа, назорат олиб борувчи прокурорга ёзма равишда билдирадиган норозилиги (356-модданинг 3-қисми) устидан эътироз билдириш назарда тутилган.

Шикоят – суриштирувчининг суриштирув органи бошлигининг ёзма кўрсатмасига норозилиги. ЖПКнинг 39-моддасининг 5-қисмига асосан суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Чакирув қоғози – гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озоликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга қилиши кераклигини ўзида акс эттирувчи ҳужжат. Чакирув қоғози почта орқали ёки чопар орқали топширилади. Чакирув телефонграмма, телеграмма, радиограмма билан ёки телефакс орқали ҳам юборилиши мумкин.

Чакирув қоғозидан шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг хузурига чакирилаётганлиги, қайси қуни ва қайси соатга қилиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чакирув қоғози чакирилувчига топширилиб, тилхат олинади (97-модда).

Жиноят процессида прокурор ваколатларига тааллуқли бўлган фаолият ҳамда прокурор томонидан расмийлаштирилган процессуал ҳужжатлар.

Жиноят процессида прокурор фаолиятини икки йўналишга бўлиш мумкин. 1. Судгача бўлган жиноят процесснинг босқичида прокурорнинг иштироки. 2. Биринчи инстанция ҳамда юқори инстанция судларида прокурорнинг иштироки.

Бу йўналишлар ЖПКда прокурорга берилган ваколатлар билан бир-биридан фарқ қилади.

Прокурор дастлабки терговда фақат иштирокчи (ЖПКнинг 33-34-моддалари) бўлиб қолмай, суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларнинг ижро этиш устида назорат олиб борадиган мансабдор шахс ҳамдир. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичида қонуннинг бузилишини, ким томондан содир этилганидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахриридаги “прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2001 йил 29 августда қабул қилиниши билан қонун такомиллашиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Масалан: Янги тахрирдаги қонунда Республика бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдорлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунчилик ҳамда жиноятчиликка қарши кўрашишнинг ҳолатлари тўғрисида мунтазам равишда, ўта оғир жиноятлар ва фавулотда ҳодисалар тўғрисида зудлик билан прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида ҳар олти ойда ахборот тақдим этиб бориши, Олий Мажлисга ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот бериши белгиланди.

Янги қонунда прокурор назорати ҳужжатларига (протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув) бағишланган.

Қонунлар ижроси устидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун прокурорларга бу борада тегишли ваколатлар берилган. Мазкур ваколатларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурор ҳуқуқлари ва прокурорлар томонидан тегишли қоравий ҳужжатларни қабул қилишдир. Дарҳақиқат прокурорга у қонуннинг деб топган қарорларни бекор қилиш ва ўзгартириш мумкин эмас. Прокурорга берилган ваколатлар содир этилган ҳуқуқбузарликни ўз вақтида аниқлаш, айбли шахсларнинг жавобгарликка тортиш ва қонунбузарликка шарт-шароит яратган омилларига барҳам беришга имконият яратади.

Прокурор ҳуқуқлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилиб, улар:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармонлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;

- давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва мансабдор шахслардан улар тасарруфидаги қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

- мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилиш каби ҳуқуқлардан иборат.

Ушбу ҳуқуқлардан ташқари прокурор инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади, аризаларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтириш, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларни кўриш каби ваколатлардан фойдаланади (25-модда). Қонун бузилишларга барҳам бериш юзасидан прокурор қоравий ҳужжатлар қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда навбатдаги ваколатдир. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда протест (38-модда), қарор (39-модда), тақдимнома (40-модда), ариза (41-модда), огоҳлантирув (42-модда) каби прокурор қоравий ҳужжатлар назарда тутилган. “Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги 4-сонли буйруғида умумий назорат тартибида қонунлар ижроси устидан назорат такомиллашиб бориши, текширувларга тегишли мутахассисларни жалб этилиши лозимлиги каби талаблар билан бирга, прокурорлик қоравий ҳужжатлар сифатли бўлишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитлар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш ва қонунни бузган шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида аниқ тақлифларни киритиш каби талаблар мавжуд.

Юқоридики зикр этилган ҳужжатлар қонунлар ижроси устидан назорат юқоридаги прокурор қоравий ҳужжатлар тарзида бир қатор талабларга, жумладан, қонун бузилиши билан бўлган жиддий ҳолат юзасидан киритилиши, ўз вақтида чиқарилиши, қоравий ҳужжатларда прокурор томонидан келтирилган вазият асосли ва конкрет ақтлар билан исботланган бўлиши, стилистик ва юридик жиҳатдан мукамал ёзилган бўлиши каби шартларга жавоб беришлари лозим. Агарда прокурорнинг қоравий ҳужжатлари юқорида зикр этилган талабларга монанд ҳолда ёзилган бўлса, шунда улар ўз вазифаларини тўлалича амалга оширишга дейишга асос бор. Аммо шу билан бирга, прокурор қоравий ҳужжатлар ҳар турининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар қоравий ҳужжатларнинг тузилишида ёхуд уларнинг ҳуқуқий моҳиятларида бир қанча фарқларда намоён бўлиши мумкин. Мисол учун, протест “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга биноан, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори органга келтирилади. Мансабдор шахснинг қонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган ҳолларда мажлис қуни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир. Агарда протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироз этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки протестни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Назарда тутиш керакки, прокурор томонидан судга ариза берилиши протест

келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди.

Протест ҳуқуқий ҳужжат тарзида бир қатор талабларга жавоб бериш керак, жумладан протестда протест қилинаётган қарор ёхуд мансабдор шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги, ушбу қарор қабул қилинган вақт, протест қилинаётган ҳужжат ёки ҳаракат, ҳаракатсизлик мазмуни, ушбу қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг ноқонуний эканлигининг асосланиши, ноқонуний қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизликни қонунга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклиф, айбдор мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш, протестни кўриб чиқиш юзасидан мажлис ўтказиш ва мажлис яқунлари натижасида белгиланган муддатга прокурорга жавоб бериш каби масалалардан иборат.

Прокурор чоравий ҳужжатларнинг навбатдагиси – тақдимномадир. Мазкур ҳужжат қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги прокурор талабини ўзида мужассамлаштирган ва қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритилган расмий актдир. Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Тақдимнома шакл жиҳатидан бир қатор талабларга жавоб бериш керак. Тақдимномада қуйидаги таркибий унсурлар ўз аксини топиш керак: тақдимнома киритиш учун асос бўлган материаллар (ўтказилган текширув натижалари, қонунийлик ижроси юзасидан материалларнинг таҳлил ва умумлаштириши), бузилган қонуннинг номи ва уни бузиш оқибатлари, қонун бузилиш шарт-шароит ва сабабларининг изоҳи, ушбу шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш юзасидан прокурорнинг таклиф ва тавсиялари, қонун бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар, ушбу мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан прокурор таклифлари, агарда бу учун асослар бўлганида, жавобгарликнинг тури қўлланилиши, қонунда белгиланган тартибда тақдимномада кўрсатилганларнинг барчаси муҳокама қилиб, натижалари юзасидан прокурорга хабар бериши, прокурорнинг мансаби, унвони, тақдимнома киритилган сана ва тақдимнома киритган прокурорнинг имзоси ўз аксини топмоғи лозим.

Прокурорнинг чоравий ҳужжатларидан навбатдагиси – қарордир. "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 39-моддасига биноан, прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тушириш ҳақида қарор чиқаради. Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради. Шунингдек моддада қайд этилишича, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзга тушириш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 331-моддасига биноан, ушбу Кодекснинг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят ишини кўзга тушириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқаради. Қарорда: ишни кўзга тушириш учун сабаб ва асослар; жиноят кодексининг жиноят иши кўзга тутилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; ишни ўз юритувча олувчи суд ёки мансабдор шахс кўрсатилади.

Огоҳлантирув-фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймастик ҳақида ёзма равишдаги прокурор чоравий навбатдаги ҳужжатида. Огоҳлантирувда прокурор ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтириши лозим бўлиб, огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши мақсадга мувофиқдир.

Огоҳлантирувнинг самарадорлиги муайян даражада унинг тақдим этиш тартибидан боғлиқдир. Одат тариқфасида огоҳлантирув айбли шахсни прокуратурага чақиритилган ҳолда эълон қилинади. Шунда прокурор айбли шахсга у томонидан содир этилган қонунбузилиш моҳиятини, ушбу ҳаракатлар давом эттирилган ҳолда жавобгарлик тури ва даражасини тушунтирилади. Огоҳлантирилаётган шахс огоҳлантирув билан танишганлиги тасдиқлаш учун огоҳлантириш актида ўз имзосини чекади.

Огоҳлантирув қўйидаги реқвизитларни ақс эттириши лозимдир: қонунбузилишини содир этган мансабдор шахснинг исми шарифи ва отасининг исми, унинг яшаш ва иш жойи, огоҳлантирув чиқарилаётган сана, огоҳлантирувнинг номи, қонун бузилиш тавсифи ва юз берган оқибатлари, мазкур ҳолатда жавобгарликни назарда тутадиган махсус қонун, огоҳлантирув устидан шикоят келтириш тартиби, прокурорнинг унвони ва огоҳлантирилётган шахснинг имзоси зарурий равишда огоҳлантирувда қайд этилмоғи лозимдир.

Прокурор муайян вақт ўтганидан кейин огоҳлантирув натижалари текшириб кўришга ҳақлидир. Бу ҳолат айбли шахсни прокуратура маҳкамасига чақиртириш, ёки ёзма сўровнома орқали амалга оширилиши мумкин.

Прокурор чоравий ҳужжатларнинг навбатдагиси аризадир. Ариза прокурор томонидан фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга расмий мурожаатдир. Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Фуқаролик ҳуқуқий тартибда келтириладиган прокурор аризаларида ариза берилган суднинг номи, даввогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги, даввогарнинг талаби, агар даввони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси, даввогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар, аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати, ариза қилинган манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Хўжалик-ҳуқуқий тартибда келтирилган аризаларда прокурор томонидан ариза берилган хўжалик судининг номи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари, агар давво баҳолашни лозим бўлса, даввонинг баҳоси, давво талабларига асос бўлган ҳолатлар, давво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар, ундирилган ёки низолаштирилган сумманинг ҳисоб-китоби, даввогарнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирилган талаблари, давво бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса - уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар, низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар ҳам, шунингдек даввогарда мавжуд илтимосномалар ақс этирилиши шартдир.

Таъкидлаш жоизки, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг янги таҳриридаги прокурор чоравий ҳужжатлардан амрнома олиб ташланиб, бу чора бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, жамиятнинг барча жаҳдаларида амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсатига тўлалигича монанд келади.

Хулоса тариқасида эътироф этиш керакки, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратни амалга ошириш чоғида бир ваколатларидан фойдаланади. Ушбу ваколатлар мавжудлиги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратни давлат ҳокимияти кўринишларидан бири эканлигидан келиб чиқади. Умуман олганда, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасидаги прокурор ваколатларини икки турга бўлиш мумкин: қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурор ҳуқуқлари ва прокурор чоравий ҳужжатлардир. Қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш чоғидаги прокурор ҳуқуқларининг ҳамжам тегишли йўналишга боғлиқдир. Прокурор чоравий ҳужжатлар ҳам бир неча турларига бўлиниб, ҳар биттаси тегишли ҳолат ва шартларда қўлланилиши лозимдир.

Жиноят ишни суда кўриш учун тайинлаш босқичида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар

Судья жиноят ишени айблов хулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда:

- 1) қачон ва қаерда чиқарилгани;
- 2) судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси; (ЎЗР 27.12.1996 й. 357-І-сон Қонуни таҳриридаги банд)
- 4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса;
- 5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;
- 6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки;
- 7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради.

Жиноят ишени қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш, янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш қўзғатиш, ишни тугатиш ёки тўхтатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, рад этиш тўғрисида ажримлар, шунингдек хусусий ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади.

Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан юқорида кўрсатилган тартибда, ёки ўз жойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши лозим.

Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана;
суднинг номи ва таркиби;
суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд қақирган бошқа шахслар;
кўрилатган иш;
судланувчининг шахсига доир маълумотлар;
ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари.
Баённомада:
раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари;

судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмуни;

берилган саволларга экспертнинг жавоблари;

суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни;

башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги мулоҳазалар акс эттирилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатувларини суд мажлисининг баённомасида имзолайдилар.

Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулоҳазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

Суд мажлиси баённомаси имзоланганидан кейин беш сутка ичида тарафлар шу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар. Мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилган тақдирда уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлиси баённомасига қўшиб қўяди.

Раислик қилувчи суд мажлиси баённомаси юзасидан берилган мулоҳазаларга қўшилмаган тақдирда, бу мулоҳазалар ушбу ишни кўрган суд таркиби ҳал этиши учун киритилади. Башарти ишни судьянинг яқка ўзи кўриб чиққан бўлса, раислик қилувчининг қарори узил-кесил ҳисобланади, лекин манфаатдор тарафлар бу қарор устидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Судланувчининг охириги сўзини эшитиб бўлганидан сўнг суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

Суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

Ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт.

Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Хукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади.

Хукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади.

Суд хукмини фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди.

Суднинг хукмида ифодаланган барча хулосалари асосланган бўлиши лозим.

Суд айблов ёки оқлов хукми чиқариши мумкин. Судланувчига нисбатан қандай турда хукм чиқариш масаласини ҳал қилиш вақтида суд ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи талабларига амал қилиши шарт.

Айблов хукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов хукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Суд куйидаги ҳолларда жазодан озод қилиб, айблов хукмини чиқаради, башарти:

1) мазкур хукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) шахснинг хукм чиққунга қадар қамоқда бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Суд куйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов хукмини чиқаради, башарти:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) хукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари қўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) хукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

Оқлов хукми куйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти:

1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга қўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича оқлов хукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини қўриш учун ишни хукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

Ушбу Кодекснинг 457-459-моддаларида назарда тутилган масалалар ҳал этилганидан сўнг суд хукми тузишга киришади. Судда иш қайси тилда қўрилган бўлса, хукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ва кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларидан иборат бўлади.

Хукм уни чиқаришда қатнашган судьялардан бири ёки хукми якка ўзи чиқарган судья томонидан қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзилиши лозим. Хукмга киритилган тузатишлар хукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва судьянинг (судьяларнинг) имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Хукмнинг кириш қисмида:

1) хукм қачон ва қаерда чиқарилганлиги;

2) хукми чиқарган суднинг номи, суднинг таркиби, суд мажлисининг қотиби, тарафлар, таржимон;

3) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойна, кун ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулот, маълумоти, оилавий аҳволи ва судланувчи хуёсидаги иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар;

4) судланувчига қўйилган айблов Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганлиги кўрсатилади.

Айблов хукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозим. Хукмда суднинг ҳар бир судланувчига нисбатан хулосаларига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабаблари ёзилади. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбнинг бир қисми асоссиз деб топилган тақдирда ёки жиноятнинг тавсифи нотўғрилиги аниқланганда эса айбловни ўзгартириш асослари ва сабаблари кўрсатилади.

Суд, шунингдек Жиноят кодекси моддасининг жазо қисмида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари ҳам назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо нимага асосланиб тайинлаганини;

озодликдан маҳрум этиш жазосига хукм қилинганга колонияда сақлаш тартибининг муайян турини белгилашни ёки озодликдан маҳрум этиш жазосини турмада ўташни тайинлашни;

судланувчи ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини;

шартли хукм қўлланилганини;

Жиноят кодексининг моддасида худди шундай жиноят учун назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланганлигини;

бошқа енгилроқ жазога ўтилганлигини;

умумий қоидалардан чекиниб колония тури тайинланганлигини;

бошқа таъсир чораларини қўллаб ёки қўлламасдан судланувчи жазодан озод этилганлигини асослаб бериши шарт.

Суд қонун ҳужжатларига мувофиқ судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурув чораси қўллаш ёки унинг устидан ҳомийлик тайинлаш лозим деб топса, бундай қарорга келиш сабабларини кўрсатиши шарт.

Жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг судланувчини шартли хукм қилиб, у билан тарбиявий иш олиб бориш учун ўзларига беришни сўраган илтимосномалари бўлса, суд бу илтимосномаларни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини хукмда кўрсатади.

Суд, шунингдек қўзғатилган фуқаровий даъво тўғрисида ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиши лозим.

Айблов хукмининг қарор қисмида:

1) судланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

2) судланувчининг жиноят содир этганлиқда айбли деб топилганлиги тўғрисидаги қарор;

3) Жиноят кодексининг судланувчининг айбли деб эътироф этилишига асос бўлган моддаси (модданинг қисми, банди), шунингдек судланувчининг ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги, башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса;

4) судланувчи айбли деб топилган ҳар бир жинояти учун тайинланган жазо тури ва меъёри;

Жиноят кодексининг моддаларига мувофиқ узил-кесил тайинланган ва ўталиши лозим бўлган жазо чораси;

озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазо муддатини ўташи лозим бўлган тегишли тартибли колония тури;

5) судланувчи шартли равишда хукм қилинган бўлса, синов муддати ва маҳкумнинг устидан қузатув олиб бориш вазифаси юклатилган жамоа ёки шахс;

6) ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақтни жазо тайинлашда жазо муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги қарор;

- 7) ҳукм қонуний кучга киргунига қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасига доир қарор;
- 8) маҳкумнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар;
- 9) ушбу Кодекснинг 533-моддасида назарда тутилган асослар аниқланган ҳолларда ҳукмнинг ижросини кечиктириш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Башарти судланувчига Жиноят кодексининг бир неча моддаси билан айблов қўйилган бўлса, ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи қайси моддалар бўйича оқланганлиги ва қайси моддалар бўйича ҳукм қилинганлиги кўрсатилиши лозим.

Судланувчи жазони ўташдан озод қилинган бўлса, бу ҳақда ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатилади.

Барча ҳолларда тайинланган жазо шундай ифодаланиши лозимки, токи ҳукми ижро этишда суд тайинлаган жазо тури ва меъёри хусусида ҳеч қандай шубҳа туғилмасин.

Оқлов ҳукмининг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

судланувчига қўйилган айбловнинг моҳияти;

суд аниқлаган иш ҳолатлари;

судланувчининг айбсизлиги тўғрисидаги суд ҳулосасини тасдиқловчи далиллар;

судланувчининг жиноят содир этишда айби бор деб даъво қилишга асос бўлган далилларни суд нима учун ишонарли эмас ёки етарли эмас деб ҳисоблаши ёки нима учун суд жиноий ҳодисанинг ўзи юз бермаган ёхуд судланувчи содир этган қилмишни жиноят эмас деб ҳисоблаши;

фуқаровий даъвога оид қарорнинг асослари.

Оқлов ҳукмининг қарор қисмида:

1) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси;

2) судланувчини жиноят содир этилишида айбсиз деб эътироф этиш ва уни оқлаш тўғрисидаги қарор;

3) судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор; башарти эҳтиёт чораси сифатида у қамоқда сақланаётган бўлса, оқланган шахсни дарҳол, суд мажлиси залининг ўзида озод қилиш тўғрисидаги қарор;

4) қўзғатилган фуқаровий даъвони қаноатлантириш рад этилган бўлса, даъвони таъминлаш учун қўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор;

ЎзР 29.08.2001 й. 254-П-сон Қонунига мувофиқ 5 банд чиқариб ташланган

5) мол-мулкни мусодара қилишни таъминлаш юзасидан чоралар қўрилган бўлса, уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор;

6) оқланган шахснинг унга етказилган мулкни қайтариб олишга ҳақда маънавий ва бошқа зиён оқибагини ушбу Кодекснинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқини эътироф этиш.

Айблов ҳукмининг ҳам, оқлов ҳукмининг ҳам қарор қисми, ушбу Кодекснинг 468 ва 470-моддаларида кўрсатилган масалалардан ташқари, қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1) қўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисида ушбу Кодекснинг 283-289-моддаларига мувофиқ қабул қилинган қарор;

2) ашъвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 289-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

3) процессуал қимматлар тўғрисида ушбу Кодекснинг 320-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарор;

4) ҳукм устидан ушбу Кодекснинг 499 ва 500-моддаларида назарда тутилган кассация шикоятни бериш ҳамда кассация протести билдириш тартиби ва муддати.

Ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг яққа ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Бу фикрни у бевосита маслаҳатхонада ёзиши лозим. Алоҳида фикр ишга илова қилинади, лекин суд мажлисининг залида эълон қилиниши мумкин эмас.

ҲУКМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИгини ТЕКШИРИШНИНГ УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибда текширилиши мумкин.

Ишни юқори суд томонидан кўриш:

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўраётган суднинг ажримида (қарориди) қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

1) ажрим (қарор) чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим (қарор) чиқарган суднинг номи ва таркиби, ишни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар;

3) апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат тартибда протест берган шахс;

4) шикоят ёки протест берилган ҳукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) қарор қисми мазмуни;

5) шикоятнинг, протестнинг, уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри;

6) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилган тақдирда, уларда келтирилган вақтлар қандай сабабларга кўра асоссиз ёки аҳамиятсиз деб топилганлиги ажримда (қарорда) кўрсатилиши лозим.

Ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳолларда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим.

Иш апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилаётганда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради.

Ажрим суднинг тўлиқ таркиби томонидан, суд раёсатининг қарори раислик қилувчи томонидан, Пленум қарори эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади. Чиқарилган ажрим (қарор) раислик қилувчи ёки суд таркибидаги судьялардан бири томонидан суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттирилади.

Ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб ҳукм ёки апелляция ёхуд кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга, иш қўшимча терговга жўнатиладиган тақдирда эса, айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Қамоқдан озод этилиши лозим бўлган маҳкумни, агар у суд мажлисида қатнашаётган бўлса, озод этишга доир ажрим (қарор) залининг ўзидаёқ ижро этилади. Бошқа ҳолларда ажрим (қарор) чиқарилган вақтдан эътиборан узоғи билан йигирма тўрт соат ичида унинг нусхаси суд томонидан жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига юборилади.

Апелляция инстанцияси судида суд мажлисининг котиби ушбу Кодекснинг 426-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади. Суд мажлиси баённомаси юзасидан мулоҳазалар берилиши мумкин, улар ушбу Кодекснинг 427-моддасида назарда

тутилган тартибда кўриб чиқилади.

Апелляция инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинандиган ва текширилаётган ҳолларда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1) илтимосномада келтирилган вазрлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазрлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, қорхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукми ҳамда апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек назорат тартибда чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар туфайли ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки ўзгартиради. Бунда ушбу Кодекс 490-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Протестни кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибда ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд назорат тартибда чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукми ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз қучида қолдиришга ҳақлидир.

Алоҳида тоифадаги жиноят ишларни юритиш.

Тиббий йўсиндаги мажбурулов қораларини қўллаш тўғрисидаги.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қуйидаги қоидалар асосида тузилади.

Суд ажримнинг кириш қисмида иш кўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оиди, қуни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулоти тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.

Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмида суд тиббий йўсиндаги мажбурулов қораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу қорани қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ушбу Кодекснинг 576-моддасида санаб ўтилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.

Ажримнинг ҳулоса қисмида суд қуйидаги қарорлардан бирини баён қилади:

1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик руҳий касал бўлиб қолган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб тан олиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов қоралари қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;

2) иш кўрилаётган шахс қилган деб ҳисобланаётган жиноят ҳодисаси ёки ижтимоий хавфли қилмиш йўқлиги сабабли ишни тугатиш тўғрисида;

3) шахснинг содир этилган ишга дахлдор эмаслиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурулов қораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақида ва ҳақиқатда жиноят содир этган шахсни аниқлаш мақсадида ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида;

4) мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ва дастлабки терговни умумий тартибда тамомлаш учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида.

Кейинчалик руҳий касалликка дучор бўлган шахснинг содир этган жинояти ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли мулкий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда ҳал этилади.

Руҳий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов қораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қилади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш.

Суднинг ажрими қуйидаги қоидалар бўйича тузилади.

Суд ажримининг кириш қисмида:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, оиди, қуни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ
(Жиноят иш бўйича процессуал актлар)

1. Суриштирув мудати?
 - а. бир ой
 - б. ўн беш кун.
 - в. ўн кун.
 - г. бир ой ва прокуро томонидан яна бир ой узайтирилиши мумкин.
 - д. ўн икки ой.

2. Суриштирувчини вазифалари нимадан иборат?
 - а. Жиноятни олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик.
 - б. Далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айибланувчиларни кидириб топиш.
 - в. Жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.
 - г. А,Б,В, жавоблар тўғри.
 - д. Кўчаларни тозаланини назорат қилиш.

3. Дастанбаски терговни олиб боришга ваколатли мансабдор шахслар?
 - а. Ташқи ишлар вазирлиги.
 - б. Прокуратура, ички ишлар органи ва суд.
 - в. Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, ички ишлар вазирлиги терговчилари.
 - г. Солиқ департаменти.
 - д. Тошкент давлат юридик институтининг талабалари.

4. Дастанбаски тергов муддатини узайтириш тартиби?
 - а. Икки ой, беш ой, саккиз ой, ўн икки ой.
 - б. уч ой, олти ой, тўққиз ой, ўн икки ой.
 - в. Икки ой, уч ой, олти ой, бир йил, бир ярим йил.
 - г. Уч ой, беш ой, етти ой, тўққиз ой, бир ярим йил.
 - д. Уч ой, беш ой, етти ой, тўққиз ой, ун икки ой.

5. Қайси ҳолатда мурда эксгумация қилинади?
 - а. Кўздан кечириш, таниб олиш, ёки экспертизага намуналар олиш учун.
 - б. Текшириш, кўздан кечириш, таниб олиш, экспертизага намуналар олиш учун.
 - в. Марҳумни қариндошлари талаб қилганда.
 - г. Суриштирувчи ёки терговчи прокурорни талабига биноан.
 - д. А.Б. жавоблар тўғри.

6. Юзлаштириш учун асослар?
 - а. Сўроқ қилинувчилар ўргаларида жиддий қарама-қаршиликларни сабабабини аниқлаш учун.
 - б. Сўроқ қилинувчиларни кўрсатувларини текшириш учун.
 - в. А,Б жавоблар тўғри.
 - г. Айбини аниқлаш учун.
 - д. Дастанбаски терговни тамомлаш учун.

7. Гумон қилинувчи шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси моддада кўрсатилган?
 - а. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасида.
 - б. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида.
 - в. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48-моддасида.
 - г. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасида.
 - д. Тўғри жавоблар йўқ.

8. Умумий сўроқ қилиш вақти неча соатдан ошмаслиги лозим?
 - а. 24 соат.
 - б. 8 соат.
 - в. 10 соат.
 - г. А,В. жавоблар тўғри
 - д. тўғри жавоб йўқ.

9. Айиб эълон қилинган вақтда, неча соат ичида айибланувчи тарикасида сўроқ қилиш керак?
 - а. Ўша заҳоти ёки 24 соат ичида.
 - б. 24 соат ичида.
 - в. Тўғри жавоблар йўқ.
 - г. 8 соат ичида.
 - д. Б.Г. жавоблар тўғри.

10. Ушлаб туриш асослари?
 - а. Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса.
 - б. Транспорт воситаларига йўл чиптасини олмаганда.
 - в. Жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар келган бўлса.
 - г. Жиноят устида қўлга олинганда.
 - д. А.Г. жавоблар тўғри.

11. Қайси ҳолатларда жиноят иши кўзгатиш асос бўла олади?

- а. Корхона, муасаса, ташкилотларнинг берган хабарлари.
- б. Айбини бўйнига олиб арз қилиб келганда.
- в. Прокурорни талабига биноан.
- г. А.В.
- д. А.Б.

12. Нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш лозим бўлганда, қандай процессуал ҳужжат тузилади?

- а. Тинтив ўтказиш тўғрисида қарор.
- б. Тинтув ўтказиш тўғрисида баённома.
- в. Олиб қўйиш тўғрисида қарор.
- г. Олиб қўйиш тўғрисида баённома
- д. В.Г.

13. Мурдани эксгумация қилиш чоғида қандай процессуал ҳужжат тузилади?

- а. Тинтув ўтказиш тўғрисида қарор.
- б. Кўздан кечириш баённомаси.
- в. Мурдани эксгумация қилиш қарори
- г. Мурдани эксгумация қилиш баённомаси.
- д. В.Г.

14. Сўроқ қилинган вақтда қандай процессуал ҳужжат тузилади?

- а. Гувоҳни сўроқ қилиш қарори
- б. Гувоҳни юзлаштириш баённомаси.
- в. Гувоҳлантириш баённомаси.
- г. Гувоҳни сўроқ қилиш баённомаси.
- д. А.Г.

15. Айб эълон қилинадиган процессуал ҳужжат?

- а. Айб элон қилиш ҳақида қарор
- б. Айбланувчи ишга жалб қилиш ҳақида қарор.
- в. Айбланувчи тарикасида ишга жалб қилиш ҳақида қарор.
- г. Айбланувчи тарикасида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш ҳақида қарор.
- д. Ажрим.

16. Таниб олиш учун кўрсатиш асослари?

- а. Бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда.
- б. Сўроқ қилинувчилар ўрталарида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлганда.
- в. Суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда.
- г. А.В.
- д. Б.В.

17. Гувоҳларни кўрсатувларини олиш лозим бўлганда қандай процессуал ҳужжат тузилади?

- а. Гувоҳлантириш ҳақида баённома.
- б. Баённома, гувоҳни сўроқ қилиш ҳақида.
- в. Гувоҳларни сўроқ қилиш қарори.
- г. Гувоҳларни сўроқ қилиш баённомаси.
- д. Б.Г.

18. Даствлабки тергов бошланиши?

- а. Жиноят ишини иш юритувга олиш ҳақида қарор.
- б. Қарор жиноят ишини иш юритувга олиш ҳақида.
- в. Жиноят ишини кўзгатиш ва ўз иш юритувга олиш ҳақида.
- г. А.В.
- д. А.Б.В.

19. Эксперимент ўтказилганда қандай процессуал ҳужжат чиқарилади?

- а. Суриштирувчи тергов эксперименти ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради.
- б. Терговчи тергов эксперименти ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради.
- в. Суд тергов эксперименти ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.
- г. А.Б.
- д. А.Б.В.

20. Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш мудатлари?

- а. уч ой.
- б. беш ой
- в. олти ой
- г. тўққиз ой.
- д. ўн икки ой.

21. Нечта ҳолат бўйича экспертиза тайинлай ва ўтказиш шарт?

- а. тўрта ҳолат бўйича.
- б. бешта ҳолат бўйича.
- в. еттита ҳолат бўйича.

- г. тўқизта ҳолат бўйича.
- д. ўн бешта ҳолат бўйича.

22. Қўшимча экспертиза ўтказилиш ҳолатлари?

- а. Эксперт хулосасидаги камчиликларни тўлдириш лозим бўлганда.
- б. Эксперт хулосаси асосланган бўлмаган ёки унинг тўғрилигида шубҳа туғилган бўлса.
- в. Агар жиноят иши учун аҳамиятга молик бирор бир ҳолатни турли илм соҳаларидан фойдаланиб, бир неча текширув ўтказиш орқали аниқлаш мумкин бўлса.
- г. Мураккаб экспертизалар бир ихтисосдаги экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши лозим бўлса.
- д. А.Б.В.Г. жавоблар.

23. Экспертни фикри нима билан ифодаланади?

- а. Эксперт фикри билан.
- б. Эксперт хулосаси билан.
- в. Эксперт ажрими билан.
- г. Эксперт ҳал қилув қарори билан.
- д. А.Б.

24. Қайси ҳолатларда эксперт сўроқ қилиниши мумкин?

- а. Экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларни тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаган ҳолда.
- б. Экспертиза экспертиза муассасидан ташқарида ўтказилмаган бўлса.
- в. Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан фойдаланилса.
- г. Б.В. жавоблар тўғри.
- д. Ҳамма жавоблар тўғри.

25. Экспертиза тайинлаш лозим бўлган ҳолда қандай процессуал ҳужжат чиқарилади?

- а. Экспертиза тайинлаш ҳақида ажрим.
- б. Экспертиза тайинлаш ҳақида қарор.
- в. Экспертиза фикрини олиш ҳақида қарор.
- г. Б.В. жавоблар
- д. А.Б. жавоблар.

26. Жиноят иши тегишлилиги бўйича юбориш учун қандай процессуал ҳужжат чиқарилиши лозим?

- а. Қарор, жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида.
- б. Жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича юбориш тўғрисидаги, қарор.
- в. Жиноят ишини дастлабки терговга юбориш ҳақида, қарор.
- г. А.В. жавоблар
- д. А.Б. жавоблар

27. Жиноятларни олдини олиш процессуал ҳужжат?

- а. Такдимнома.
- б. Протест.
- в. Амрнома.
- г. Ажрим.
- д. Қарор.

28. Ушлаб туриш асослари?

- а. Унинг ўзида ёки қийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятларнинг яққол излари топилса.
- б. Шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса.
- в. Жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар.
- г. Мураккаб тиббий текширув усуллардан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан фойдаланиш лозим бўлганда.
- Д. А.Б.В.

29. Ушлаб туриш мудатлари?

- а. 73 соат
- б. 8 соат.
- в. 3 соат.
- г. 72 соат.
- д. 24 соат.

30. Эҳтиёт чораларини турлари?

- а. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат.
- б. Шахсий кафилик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафилиги.
- в. Гаров, камокқа олиш, вояга етмаганларни қузатув остига олиш учун топшириш.
- г. А.В. жавоблар.
- д. А.Б.В. жавоблар.

31. Жиноят ишини суд мажлисига кўриш учун ким тайёрлайди?

- а) Суд ижрочиси;
- б) Суд котиби;
- в) халқ маслаҳатчиси;
- г) судья;
- д) суд раиси

32. Суд ҳукмидан кейин судланувчи қандай ном билан аталади?

- а) маҳкум ёки маҳбус;
- б) оқланган ёки айбланувчи;

- в) гумон қилинувчи;
- г) оқланган ёи маҳжум;
- д) оқанган ёки гумон қилинувчи.

33. Дастлабки тергов олиб бориш ваколати берилган органлар:

- а) прокуратура, ички ишлар органлари, солиқ хизмати органлари;
- б) прокуратура, божхона хизмати, миллий хавфсизлик хизмати;
- в) прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати;**
- г) миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари, судлар;
- д) миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари, солиқ хизмати;

34. Терговга тегишлилик нима?

- а) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгиловчи аломатлар йиғиндиси;**
- б) ушбу жиноят бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгиловчи аломатлар йиғиндиси;
- в) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эмаслигини белгиловчи аломатлар йиғиндиси;
- г) у ёки бу жиноятни тергов қилиш зарурати.

35. Терговчининг топшириги қанча муддатда бажарилиши лозим?

- а) 10 кун давомида;
- б) терговчи томонидан кўрсатилган муддат ичида;**
- в) тергов ҳаракатини ўтказишни буюрган прокурор томонидан кўрсатилган муддатда;
- г) бир ой муддатда;
- д) 24 соат ичида.

36. Жиноят ишини бир терговчидан иккинчи терговчига ўтказиш ким томонидан амалга оширилади?

- а) тергов бўлими бошлиғи томонидан;**
- б) юқори турувчи тергов бўлими бошлиғи томонидан;
- в) тергов бўлими бошлиғи томонидан прокурор розилиғи билан;
- г) прокурор томонидан;
- д) суд томонидан.

37. Дастлабки терговнинг умумий муддати қанча?

- а) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;
- б) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 3 ой;**
- в) гумон қилинувчи шахс ушланган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;
- г) шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган кундан бошлаб, 2 ой;
- д) дастлабки тергов муддати чекланмайди.

38. Қайси мансабдор шахс дастлабки тергов муддатини узайтириш ваколатига эга эмас?

- а) туман (шаҳар) прокурори;**
- б) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори;
- в) ЎзР Бош прокурорининг ўрин босарлари;
- г) Вилоят, Тошкент шаҳар прокурори;
- д) ЎзР Бош прокурори.

39. Дастлабки тергов муддатига қуйидагилар қирмайди?

- а) айбланувчи, химоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишган вақт;
- б) дастлаки тергов тўхтатилган вақт;
- в) қўшимча терговга қайтарилган иш терговчига етиб келганигача ўтган вақт;
- г) айблаш ҳулосаси ёзишга сарфланган вақт;
- д) жиноий ишни тугатиб қайта тиклангунгача ўтган вақт;
- е) а, б, в, д.**

40. Суд томонидан иш қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган тақдирда қўшимча тергов муддати қанча ва уни ким белгилайди?

- а) суд (судья) 15 кун;
- б) тергов бўлими бошлиғи ишни вазиятига қараб;
- в) назорат қилувчи прокурор 2 ой;
- г) терговчи қонун билан 1 ой;
- д) ҳеч ким белгиламайди.

41. Дастлабки тергов юритувчи гуруҳни ким тузади?

- а) ички ишлар органи суриштируви бўлинмасининг бошлиғи;
- б) муҳим ишлар терговчиси;
- в) катта терговчи
- г) суд
- д) прокурор

42. Дастлабки тергов олиб бориш ваколати берилган органлар?

- а) прокуратура, ички ишлар органлари, солиқ хизмати органлари;
- б) прокуратура, божхона хизмати, миллий хавфсизлик хизматга
- в) прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати;**
- г) миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги, судлар;
- д) миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги, солиқ хизмати;

43. Терговга тегишлилик нима?

- а) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгиловчи аломатлар йиғиндиси;**

б) ушбу жиноят бўйича суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эканлигини белгилловчи аломатлар йиғиндиси;

в) муайян жиноятни тергов қилиш у ёки бу терговчининг ваколатига тегишли эмаслигини белгилловчи аломатлар йиғиндиси;

г) у ёки бу жиноятни тергов қилиш зарурати.

44. Терговчининг топшириғи қанча муддатда бажарилиши лозим?

а) 10 кун давомида;

б) терговчи томонидан кўрсатилган муддат ичида;

в) тергов ҳаракатини ўтказишни буюрган прокурор томонидан кўрсатилган муддатда;

г) бир ой муддатда;

д) 24 соат ичида.

45. Жиноят ишини бир терговчидан иккинчи терговчига ўтказиш ким томонидан амалга оширилади?

а) тергов бўлими бошлиғи томонидан;

б) юқори турувчи тергов бўлими бошлиғи томонидан;

в) тергов бўлими бошлиғи томонидан прокурор розилиғи билан;

г) прокурор томонидан;

д) суд томонидан.

46. Дастлабки терговнинг умумий муддати қанча?

а) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;

б) терговчи ишни ўз иш юритувига олган кундан бошлаб кўпи билан 3 ой;

в) гумон қилинувчи шахс ушланган кундан бошлаб кўпи билан 2 ой;

г) шахсни айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинган кундан бошлаб, 2 ой;

д) дастлабки тергов муддати чекланмайди.

47. Қайси мансабдор шахс дастлабки тергов муддатини узайтириш ваколатига эга эмас?

а) туман (шаҳар) прокурори;

б) Қорақалпоғистон Республикаси прокурори;

в) ЎзР Бош прокурорининг ўрин босарлари;

г) Вилоят, Тошкент шаҳар прокурори;

д) ЎзР Бош прокурори.

48. Дастлабки тергов муддатига қўйидагилар қирмайди?

а) айбланувчи, химоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишган вақт;

б) дастлаки тергов тўхтатилган вақт;

в) қўшимча терговга қайтарилган иш терговчига етиб келганигача ўтган вақт;

г) айблаш ҳулосаси ёзишга сарфланган вақт

д) жиноий ишни тугатиб қайта тиклангунгача ўтган вақт

е) а, б, в, д;

49. Суд томонидан иш қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган тақдирда қўшимча тергов муддати қанча ва уни ким белгилайди?

а) суд (судья) 15 кун;

б) тергов бўлими бошлиғи ишни вазиятига қараб;

в) назорат қилувчи прокурор 2 ой;

г) терговчи қонун билан 1 ой;

д) ҳеч ким белгиламайди.

50. Дастлабки тергов юритувчи гуруҳни ким тузади?

а) ички ишлар органи суриштируви бўлинмасининг бошлиғи;

б) муҳим ишлар терговчиси;

в) катта терговчи

г) суд

д) прокурор

Озгаки аризани қабул қилиши

БАЁННОМАСИ
шаҳри

200 ____ « ____ »

яшовчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида камоққа олиш КУ ' ланилиб, унга эълон қилинсин.

2. Қарорнинг бир нусхаси ижро қилишлик учун _____

сонли тергов ҳибсхонасига юборилсин.

(мансаби)

(унвони)

(имзо)

(ф. и. ш.)

Ушбу қарор менга 20 __йил «__» _____ куни эълон қилинди.

Айбланувчи

(имзо)

(ф. и. ш.)

Ҳимоячи

(имзо)

(ф. и. ш.)

ҚАРОР
Мажбурий келтириш тўғрисида
__ шаҳри (туман)

20 « ____ »

_____ (қарор чиқарувчининг мансаби, унвони ф. и. ш,
_____ сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,
АНИҚЛАДИМ:

_____ (жиноятнинг қисқа мазмуни, мажбурий келтириш учун асослар)
Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 262-264-моддаларига қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____
(мажбурий келтирилиши керак бўлган шахсни процессуал мавқеи,

_____ ф. и. ш., яшаш ёки иш жойи; қаерга ва қачон олиб келиш керак)

2. _____
(мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилади)

_____ (мансаби)

_____ (унвони) _____ (имзо) _____ (ф. и. ш.)
Ушбу қарор менга 20 ____ йил « ____ » _____ да эълон қилинди.

_____ (имзо) _____ (ф. и. ш.)

ҚАРОР
Жиноят иштини тугатиш тўғрисида
шаҳри (туман)

20 « _____ »

(қарор чиқарувчининг мансаби, унвони ф. и. ш.)
сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

(жиноят иштини қўзғатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар; гумон қилинувчи ва айбланувчи тарикасида ишда иштирок қилишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларга қўйилган айб ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, агар илгари алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса; жиноят иштини тугатиш асослари; бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилд ва саҳифаларида акс эттирилгани; ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёвий далиллар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, агар илтимослар бўлса; фуқаровий даъво ва эҳтимолда тутилган мол-мулк мусодарасини таъминлаш чоралари баён қилинади)

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 372, 373 ва 374-моддаларига қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____ сонли _____ ни айблов тўғрисидаги жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси _____ қисмининг « _____ » бандига асосан _____ тугатилсин.

(тугатиш асоси)

2. Айбланувчи _____ га нисбатан қўлланилган _____ эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

(кандай турдаги)

3. Фуқаровий даъво ва эҳтимол тутилган мол-мулкни мусодарасини таъминлаш учун қўрилган чоралар: _____

(олиб қўйиш, мулкни хатлаш

_____ бекор қилинсин.

каби чоралар санаб ўтилади.)

4. Ишдаги _____ ашёвий далиллар _____ (уларга _____ (кандай) _____)

қўриладиган чоралар: эгасига қайтариб бериш, йўқ қилиш,

иш материаллари билан сақлаб қўйиш ва х.к.)

5. Жиноят ишининг тугатилганлиги ва тугатиш асослари тўғрисида манфаатдор томонларга хабар қилиниб, қарор устидан _____

[20]

прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

6. Қарорнинг нусхаси _____ прокурорига юборилсин.

_____ (мансаби)

_____ (унвони)

_____ (имзо)

_____ (ф. и. ш.)

**Терговнинг тугатилганлиги ва жиноят иши
материаллари билан танишиш тўғрисида
ХАБАРНОМА**

20__ йил «__» да Сиз _____ сонли жиноят иши
бўйича _____ тарикасида ишда иштирок қилишга жалб
этилгансиз ва эҳтиёт чораси сифатида Сизга _____
(қандай эҳтиёт чораси)

қўлланилган.

Мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов 20__ йил «__»
куни _____ учун, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг
(тугатиш асоси)

84 моддаси 1 қисмининг «__» банди билан, Сизнинг айблилик масалангиз
ҳал этилмасдан тугатилди. Сизга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 375-моддасининг 2-қисмига асосан, Сиз жиноят ишининг барча материаллари билан
шаҳсан ўзингиз ёки ҳимоячингиз билан танишиб чиқишга ва ундан давлат сирлари бўлмаган зарур маълумотларни ёзиб олишга оғзаки
ёки ёзматарзда иш учун аҳамиятли илтимосномалар киритишга ҳақлисиз.

Иш материаллари билан Сиз _____ прокуратусининг
биносидаги _____ хизмат хонасида, _____
(манзилгоҳи)

20__ йил «__» _____ куни соат _____ дан танишишингиз мумкин.

Иш материаллари билан танишиш истагингиз тўғрисида маълум қилишингизни сўрайман.

Сизга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 374 моддасининг 4 қисмига асосан жиноят ишини тугатиш қарори устидан
ичида _____ прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканлигингизни маълум қиламан.

(мансаби)

(унвони)

(имзо)

(ф. и. ш.)

44 Гумондор ёки айбланувчи.

45 Ҳимоячиси бўлса, бу ҳақда унга ҳам маълум қилинади.

Қ А Р О Р
Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш ҳақида

2006 йил 21 январь Тошкент шаҳри

Миробод туман прокуратурасининг терговчиси, 1-даражали юрист Т.С.Толипов, 444-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб

А Н И Қ Л А Д И М

Тошкент шаҳар автотранспорт бошқармасига қарашли 2415-сонли автоҳўжаликни айрим мансабдаор ва моддий жавобгар ходимларига нисбатан давлат мулкани жуда кўп миқдорда талон-тарож қилганлик ҳодисаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 4-қисми билан кўзгатилган мазкур жиноят иши бўйича олиб орилган тергов ҳаракатлари натижасида шу автоҳўжаликнинг қасаба уюшмаси раиси бўлиб ишловчи Камол Усмонович Парпиев шу автоҳўжалик ҳисобида бўлган 24540 литр аслида номаълум шахсларга нақт пулга сотилиб кетган А-80 маркали бензинни цистерна чириб ёрилиб кетиши натижасида тўқилиб кетди деб ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қалбаки актга комиссия аъзоси сифатида имзо чекиб, бунинг эъзига ёқилғи мойлари омбори мудири Сайдалиев Саидолимдан 3.500 сўм пул олганлиги аниқланган.

К.У.Парпиевга 2006 йил 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 166-моддасининг 4-қисми билан айблов эълон қилинган.

Айбланувчи К.У. Парпиевнинг отаси Усмон Парпиев ўғлига қўйилган айблов моҳиятини тушиган ҳолда тергов ва суд органига қақирлиши билан дарҳол етиб келишлигини таъминлашлик, тергов ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслигини бўйнига олиб, 5.000.000 сўм пулни гаров тариқасида олиб келганлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПК-нинг 236-240 ва 249-моддаларига қўлланиб

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М

1. Ушбу жиноят иши бўйича айбланувчи Камол Усмонович Парпиев, 1966 йил 16 май куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ҳарбий хизматга мажбур, депутатликка сайланмаган, маълумоти олий, оилалик, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, Тошкент шаҳар автотранспорт бошқармасига қарашли 2415-сонли автоҳўжаликда қасаба уюшмасининг раиси бўлиб ишлаган, Тошкент шаҳар, С.Рахимов туман, Теракзор кўчаси, 14-уйда яшовчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланиб очикда қолдирилсин.

2. Ушбу қарор айбланувчи К.У.Парпиевга эълон қилинсин ва бу ҳақида унинг отаси У.Парпиевга хабар қилинсин.

Терговчи

1-даражали юрист Т.С.Толипов

Қарор менга эълон қилинди К.У.Парпиев

2006 йил

Қ А Р О Р

Жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақида

«__» сентябрь 2005 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман прокуратураси терговчиси И. М. Камолов 28/1-191 сонли жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

2001 йил 06 июнь куни «Сарфароз» хусусий фирмасининг тижорат директори Н.А.Мадаминов Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти раҳбариятига шу жамиятга тегишли 15 млн сўмлик «Дармона» лахзалик лотореяси билетларини 15 фоизли олдиндан туловсиз сотилишини сўраб мурожаат қилган. Олинажак 15 млн сумлик лоторея билетларининг пулини 2002 йил январь-февраль ойларигача тўланишига Тошкент шаҳар Юнус Обод ИИБ бошлиғининг муовини милиция полковниги Д.А.Джурабоев қафил бўлиб Юнус-Обод туман ИИБга тегишли «маълумот учун» муҳри билан тасдиқланган қафолат хатини Н.А.Мадаминовга берган. Мазкур қафолат хатини Н.А.Мадаминов қўлга киритиб, ундан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти раҳбарлари С.Убайдуллаев ва О.Олимовларга кўрсатган.

Д.А.Джурабоевнинг била туриб, «Сарфароз» хусусий фирмаси тижорат директори Н.А.Мадаминовга 15 млн сумлик лоторея билетларини олдиндан туловсиз олинишига шарт-шароит яратувчи қафолат хатини бериши, унинг ўз мансаб ваколати доирасидан четга чиқишидан далолат беради.

Бирок, Ногиронлар жамияти раиси С.С.Убайдуллаев ва Ногиронлар жамияти қошидаги «Қадрият-Турон» шуба корхонасининг директори О.Олимовлар Н.А.Мадаминовга бу йўл билан 15 млн сўмлик лоторея билетларини олишига рухсат бермаганликлари ва у ногиронлар жамиятидан умуман ҳеч қандай лоторея билетларини олишга эришмаганлиги, Ногиронлар жамиятига ва «Қадрият Турон» шуба корхонасига ҳеч қандай зарар етмаганлиги тергов жараёнида маълум бўлди.

Баён этилганларга асосан ва иш материалларидан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар Юнус Обод ИИБ бошлиғининг муовини Д. А.Джурабоев қафолат хати бериб ўз мансаб ваколати доирасидан четга чиққан бўлса ҳам, унинг қасддан содир этган қилмиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларига, давлат ва жамият манфаатларига умуман зарар ва зиён етказилмаган. бўлиб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят ишнинг шу қисми тугатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 301-моддасига қўлланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1.Мазкур 28/1-191 сонли жиноят ишининг Джурабоев Дилмурод Абдурахмановични «Сарфароз» хусусий фирмасининг тижорат директори Н.А.Мадаминовга 15 млн сумлик лоторея билетларини олдиндан туловсиз олинишига шарт-шароит яратувчи қафолат хатини берганлиги ҳолати бўйича қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2 бандига асосан унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли тугатилсин.

2.Ушбу қарорнинг нусхаси маълумот учун туман прокурорига юборилсин.

Мирзо Улугбек тумани прокуратураси

Терговчиси А.А.Камилов

Суднинг биринчи инстанциясида чиқариладиган актларидан намуналар.

Қ А Р О Р

/жиноят ишینی тайинлаш ҳақида/

2006 йил январь оғи «17» куни жинойт ишлар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди судьяси: Д.Ражабов, туман суди биносида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-1моддаси 2 қисми «б» банди билан айб эълон қилинган Ташпулатов Ғайрат Анарбаевичга нисбатан 1-86/2006 сонли жинойт ишینی судда кўришга тайинлаш чоғида,

АНИҚЛАДИ:

Мазкур жинойт иш жинойт ишлар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди судловига тегишли бўлиб, жинойт ишینی ҳаракатдан ётқишиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқ.

Жинойт ишینی суд мажлисида кўришлик учун барча асослар етарли бўлиб, дастлабки тергов ўтқишиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига риоя қилинган, айбланувчига эҳтиёт чораси тўғри танланган.

Айблов ҳулосаси ЎзР ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилган.

ЎзР ЖПКнинг 395-397-моддаларини қўллаб, судья

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-1моддаси 2 қисми «б» банди билан айб эълон қилинган Ташпулатов Ғайрат Анарбаевичга оид жинойт ишینی суд мажлисида кўриш учун 2006 йил январь оғи «19» куни соат 09-00 га тайинлансин.

Эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ушбу жинойт иш бўйича қатнашиши лозим бўлган томонларга ҳабар берилсин.

Жинойт ишлар бўйича Тошкент

шаҳар Учтепа туман суди судьяси:

Д.Ражабов

намуна

А Ж Р И М

2006 йил 23 апрель куни Амударё туман жиноят ишлар бўйича суди ўз биносида бўлиб раислик қилувчи Ш.Ражапова, Қаландаровнинг котиблтигида, прокурор Бахранов химоячи Полвонованинг иштирокида ЎзР ЖКғнинг 109 моддаси 2 қисми билан айибланиб иши судга ўтказилган Хушаниязов Дамир Рахимбердиевични айблаш бўйича жиноят ишини суд маждисида кўрди.

Гумон қилинувчи Хўжаниёзов Дамир Рахимбердиевич, 1980 йил 23 февральда Амударё туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, оилали 1 нафр фрзанди бор, илгари судланмаган, малумоти ўрта, ҳукумат мукофотлари олмаган, депутат бўлиб сайланмаган, Амударё туман “Дурман” овул фуқаролар йиғинидаги Й.Ўрозбоев номли жамоа хўжалиги бирлашмаси 9 бригадасида яшайди, вақтинча ҳеч қаерда ишламайди.

Иш материалларига гумон қилинувчи, жабирланувчи ва прокурор ва химоячининг сўзларини солиштириб қидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи Хўжаниёзов Дамир Рахимбергенович, 2006 йил 13 март соат 16 ларда кўшниси Ўтамуратов Пўлат билан “сен нега тут дарахтини чопаяпсан” деб ўзаро жанжаллашиб, унинг бошига ва юзларига касдан кўллари билан бир неча маротаба уриб, унинг соғлигининг қисқа вақит яъни умумий меҳнат қобилиятининг унча оқ бўлмаган муддатга йўқотишга сабаб бўлган касдан баданинг енгил шикаст етказган.

Гумон қилинувчи Хўжаниёзов Д.Р. 2006 йил 13 март куни соат 16 ларда томорқа еримда ишлаб юрган вақтда кўшнимиз Пўлат ака томорқа ерининг четидаги тут дарахтининг қуриган шохларини чопиб юрган экан, мен унга дарахтларни чопманг дедим, у менга қуриган шохларни чопаяпман деди ва шохларни чопиб ташлади, мен унинг бу қилган ишига жаҳлим чиқиб унинг бошига ва юзига кўлим билан урдим, бу ишни жаҳил устида қилдим, мен ўз қилган ишимдан пушаймонман, бошқа бу ишни такрорламайман, мен жабирланувчи билан ярашдим, ишимизни ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман деди.

Иш бўйича жабирланувчи Ўтамуратов Пўлат судда аризасини қувватлаб шу куни томорқа еримнинг четидаги тут дарахтининг қуриган шохларини чопиб юрган вақтда Дамир келиб нега тут шохларини чопаяпсиз деди, қуриган шохларини чопаяпганлигимни айтдим ва у жаҳил қилиб уриб кетди. Мен ўзим 2-гурух ногирониман аҳволим оғирлашганлиги учун касалхонага тушдим. Дамир ўз қилган ишидан пушаймон бўлиб келиб мендан кечирим сўради, унга кечирим бердим. Ярашганимиз учун ишни қисқартиришингизни сўрайман,-деди.

Суд иш матириалларига судланувчи ва жабирланувчининг сўзларини солиштириб, ушбу ишни ҳаракатдан тугатишни ЎзР ЖПК-нинг 84-моддаси 4-бандига асосан лозим топди. ЎзР ЖПК-нинг 66-1 моддасида ЖК-нинг 109 моддаси 2-қисмидаги жиноят ишининг тарафларининг ярашиши билан ҳаракатдан тугатилиши кўрсатилган. Судланувчи олдиндан судланмаган, қилмишига пушаймон, келган зарарни жабирланувчига тўлаган, ишни ҳаракатдан тугатишга рози.

Жабирланувчи ҳам судда ўзининг келган зарарини ундириб олганини, ярашиш учун ўзларининг ихтиёрий равишда ариза ёзилганлигини, судланувчига кечирим берганлигини тасдиқлайди тарафларга ярашиши билан ишнинг тугатилиши оқибати тушунтирилди.

Суд ЎзР ЖПК-нинг 84-моддаси 4-банди ва 486-моддасини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Гумонланувчи Хўжаниёзов Дамир Рахимбергеновичнинг жиноят иши бўйича жабирланувчи Ўтамуратов Пўлатнинг ярашув ҳақидаги аризаси ва бу бўйича тузилган суд баённомаси тасдиқлансин.

ЎзР ЖК-нинг 109 моддаси 2 қисми билан гумонланувчи Хўжаниёзов Дамир Рахимбергеновичнинг жиноий иши тарафларнинг ярашгани учун ҳаракатдан тугатилсин.

Гумонланувчига белгиланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримга норози томон шу суд орқали Жиноят ишлари бўйича Олий Судга шикаят қилишга апелляция тартибида ҳақли, ажрим қучга киргандан кейин кассация тартибида шикаят келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:-

Ш Ражапова.

АЖРИМ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани суди 2004 йил сентябрь оyi «09» куни очик суд мажлисида ўз биносида, унда

Раислик этувчи, судья: Ф.Б.Шукуров

Д.Кадыровнинг котиблигида

Томонлардан туман прокурорининг ўринбосари М.Эсановнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддасининг 2 қисми «в» банди билан айбланиб судга берилган Шамаксудов Шафайзи Шимуратовичга оид 1-615/2004 сонли жиноят ишини кўриб, куйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Дастлабки тергов органлари томонидан йиғилган ҳужжатларга кўра Шамаксудов Ш.Ш. 2004 йил 23 май куни тахминан соат 13.00 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, маст ҳолатда уларга ҳурматсизлик қилиб, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Чилонзор 25-дахада жойлашган «Москва остонаси» бекатида ҳеч бир сабабсиз Гопиржонов З.А. ни уят сўзлар билан ҳақорат қилиб, уриб, тепиб, дуппослаб ва кулига тош олиб отиб, тан жароҳати етказганлиги натижасида Гопиржонов З.А. РШТЎИМ га мурожаат қилиб, амбулатор кўригида бўлган ва суд-тиббий экспертизасининг № 1867-Х-Искан. сонли 04.06.2004 йилги хулосасига кўра Гопиржонов З.А. га соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказганликда айбланиб, дастлабки тергов органлари томонидан Шамаксудов Ш.Ш. га содир этган ҳаракатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддаси 2 қисми «в» банди билан айб эълон қилинган.

Мазкур жиноят иши мазмунан ҳал қилишлик учун туман судига юборилган бўлиб, жиноят ишини кўриш 2004 йил 09 сентябрь кунига тайинланган. Лекин, шу куни судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. ни акаси Шамаксудов Шоилёс Шимуратович, судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. 2004 йил 24 август куни «острая крупозная пневмония» ташхиси билан вафот этганлигини билдириб, судга Шамаксудов Ш.Ш. нинг 2004 йил 25 август куни Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ФХДЎ бўлими томонидан берилган 1-ТТЧ № 0002272 сонли ўлим ҳақидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84 моддасининг 3 қисмида кўрсатилишича айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса шахснинг жиноят содир этилишида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. ни вафот этганлигини инобатга олиб, ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қонун нормаларига риоя қилган ҳолда жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 84-3, 423 моддаларига асосланиб, суд ажрим қилади

АЖРИМ:

1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти 8 синф, оилали, муқаддам судланмаган, давлат мукофотларини олмаган, депутат бўлиб сайланмаган, вафқтинча ҳеч қаерда ишламаган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Хосият кучаси 1--6-84 хонадонда истиқомат қилиб келган **Шамаксудов Шафайзи Шимуратовични** Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддасининг 2 қисми «в» банди билан айблаш ҳақидаги 1-615/2004 сонли жиноят иши Шамаксудов Ш.Ш. нинг вафот этганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84 моддасининг 3 қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Шамаксудов Ш.Ш. га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки эътироз келтиришлари мумкин.

Раислик этувчи, судья:

Ф.Б.Шукуров

намуна

ҚАРОР

11 ноябрь 2005 йил

Тошкент шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди судьяси Д.Ражабов, Юсупов Ш.Ю.нинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 183 моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбланаётган:

1987йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар Учтепа туман К.Токзор кучаси 23-уйда яшовчи Расулов Асадулла Ҳамидуллаевич оид бўлган маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Расулов А.Х. 2005 йил 9 ноябрь куни кўчада ўзаро тушунмовчилик натижасида ўзига нотаниш бўлган фуқаро Ибрагимов С.С. билан жанжаллашиб уни ҳар-хил уятли сўзлар билан ҳақоратлаб ҳолда майда безорилик содир этган.

Суд мажлисида Расулов А.Х. ўзини юқорида кўрсатилган ҳолатдаги айбига иқрорлик билдириб қилган қилмишидан пушаймонлигини, бундай ҳолат биринчи марта бўлиб бошқа такрорланмаслигини айтиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд, Расулов А.Х. ни баёнотларини суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлар ва иш материалларида мавжуд бўлган далиллар билан солиштириб, мазкур ҳолатлар уни ҳаракатлари натижасида келиб чиққанлигини эътиборга олган ҳолда, йиғилган далилларга юридик баҳо бериб уни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183 моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб ҳисоблайди ва унга жазо тайинлашда, содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, биринчи марта бўлиши ва бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини инобатга олиб ЎзР. МЖТК нинг 33 моддасини қўллашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 245, 309-310 моддаларига риоя қилган ҳолда суд қарор қилади

Қ А Р О Р:

Расулов Асадулла Ҳамидуллаевич Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 183 моддаси билан ҳуқуқбузар деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 33 моддаси билан 5 минг (беш минг) сум жарима жазосига тортилсин.

Қарордан норози томон 10 кун муддат ичида шикоят ёки эътироз келтириши мумкин.

Судья: Д.Ражабов

намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2005 йил сентябрь ойининг 25-куни Сурхондарё вилоят, Денов шаҳар халқ суди биносида очик суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи халқ судьяси Исломов Элёр, халқ маслаҳатчилари: Акбаров А. Ва Шокиров Диилмуродлар таркибида, Ҳақимова Василя котиблигида, тарафлардан: Денов шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Хурсандов Шодмон, химоячи Гуломова Нигоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси 88-моддасининг “а” банди билан айибланган Тўхтаев максуд Мансуровичнинг 21-сонли жиноят иши кўрилди.

Судланувчи Тўхтаев Максуд Мансурович 1959 йили Денов туманида туғилган миллати ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта илгари судланмаган, Денов шаҳридаги билим юртида ўқийди, Денов шаҳар, “Коммунизм куча, 83-уйда яшайди” Эҳтиёт чораси муносиб хулқ атворда бўлиш орқали очикда қолдириш кулланилган. Айиблов хулосасининг нусхасини 2005 йил 19 сентябрь куни олинган.

Суд таркиби жиноят ишида тупланган материалларни, судланувчининг кўрсатмасини, гувоҳ ҳамда жабирланувчининг тергов ва суд мажлисидаги баёнотларини, прокурор фикрини, химоячи нутқини эшитиб, қуйдагиларни,

А н и қ л а д и:

Судланувчи Тўхтаев Денов шаҳридаги билим юртининг 2-кўрсидида ўқиб Денов шаҳар, Коммунизм кучасидаги 83-уйда ота-онаси билан яшаган. 2005 йил 30-июнь куни эрталаб соат 8-ларда акасини хотини Зулматова билан уришиб уни уриб баданига унчалик оғир бўлмаган шикаст етказганликда айибланиб судга берилган.

Суд мажлисида судланувчи Тўхтаев қилмиш жиноятига тўлиқ иқрор бўлиб: “қўйлагимни дазмоллаб беринг деганимда у менга қўпол муомала қилди, мен ачикланиб кеннойим билан уришиб, уни кулим билан бир урдим, айтишларича унинг кули чикиб кетибди” деб баёнот қилиб берди.

Иш материаллари судланувчи Тўхтаевнинг ўз жиноятига иқрорлиги ишнинг 23-варагидаги суд тиббиёт фикри, жабирланувчи Зулматованинг ва гувоҳлар Кориева, Хасановаларнинг суд мажлисидаги баёнотлари билан туриқ тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 88-моддасининг “г” бандига тўғри келади. Халқ суди судланувчига жазо таъинлашда унинг ёшлилигини, жабирланувчи Зулматованинг судланувчи Тўхтаев ҳақидаги ижобий фикоини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 43-моддасини куллашни лозим деб топди.

Бинобарин, суд таркиби иш материалларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 279-294-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М

Айибдор Тўхтаев М.М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 88-моддасининг “б” банди билан уч (уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 43-моддасини куллаб тайин этилган 3-йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартликка алмаштирилсин, синов муддати бир йил белгилансин.

Снов муддасти 2005 йил 25-сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Тўхтаев М.М.нинг эҳтиёт чораси муносиб хулқ атворда бўлиш тилхат орқали қолдириш бекор қилинсин.

Хуқумдан норози томон 10-кун ичида шу суд орқали апелляция ва касация судига шикоят қилиш мумқун.

Раислик қилувчи: Ш.Ибратов,
Халқ маслаҳатчилари: 1.А.Ақбаров
2. Д.Шокиров.

АЖРИМ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани суди 2004 йил сентябрь охи «09» куни очик суд мажлисида ўз биносида, унда Раислик этувчи, судья: Ф.Б.Шукуров Д.Қадыровнинг котиблигида Томонлардан туман прокурорининг уринбосари М.Эсановнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддасининг 2 қисми «в» банди билан айбланиб судга берилган Шамаксудов Шафайзи Шимуратовичга оид 1-615/2004 сонли жиноят ишини кўриб, қуйдагиларни

АНИҚЛАДИ:

Дастлабки тергов органлари томонидан йирилган ҳужжатларга кўра Шамаксудов Ш.Ш. 2004 йил 23 май куни тахминан соат 13.00 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, маст ҳолатда уларга ҳурматсизлик қилиб, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Чилонзор 25-дахлада жойлашган «Москва остонаси» бекатида ҳеч бир сабабсиз Гопиржонов З.А. ни уят сўзлар билан ҳақорат қилиб, уриб, тегиб, дуппослаб ва кўлига тош олиб отиб, тан жароҳати етказганлиги натижасида Гопиржонов З.А. РШТЭИМ га мурожаат қилиб, амбулатор кўригида бўлган ва суд-тиббий экспертизасининг № 1867-Х-Искан. сонли 04.06.2004 йилги хулосасига кўра Гопиржонов З.А. га соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказганликда айбланиб, дастлабки тергов органлари томонидан Шамаксудов Ш.Ш. га содир этган ҳаракатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддаси 2 қисми «в» банди билан айб эълон қилинган.

Мазкур жиноят иши мазмунан ҳал қилишлик учун туман судига юборилган бўлиб, жиноят ишини кўриш 2004 йил 09 сентябрь кунига тайинланган. Лекин, шу куни судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. ни акаси Шамаксудов Шоилёс Шимуратович, судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. 2004 йил 24 август куни «острая крупозная пневмония» ташхиси билан вафот этганлигини билдириб, судга Шамаксудов Ш.Ш. нинг 2004 йил 25 август куни Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ФХДЭ булими томонидан берилган I-TN № 0002272 сонли ўлим ҳақидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84 моддасининг 3 қисмида кўрсатилишича айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса шахенинг жиноят содир этилишида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи Шамаксудов Ш.Ш. ни вафот этганлигини инобатга олиб, ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қонун нормаларига риоя қилган ҳолда жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 84-3, 423 моддаларига асосланиб, суд ажрим қилади

АЖРИМ:

1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти 8 синф, оилали, муқаддам судланмаган, давлат мукофотларини олмаган, депутат бўлиб сайланмаган, вақтинча ҳеч қаерда ишламаган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Хосият кучаси 1 —6-84 хонадонда истиқомат қилиб келган **Шамаксудов Шафайзи Шимуратовични** Ўзбекистон Республикаси ЖК 277 моддасининг 2 қисми «в» банди билан айблаш ҳақидаги 1-615/2004 сонли жиноят иши Шамаксудов Ш.Ш. нинг вафот этганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84 моддасининг 3 қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Шамаксудов Ш.Ш. га нисбатан кулланилган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки эътироз келтиришлари мумкин.
Раислик этувчи, судья: **Ф.Б.Шукуров**

АЖРИМ

2005 йил ноябрь ойи «18» кунни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик этувчи, судья: Д.Ражабов, Ф.Турабекованинг котиблигида, томонлардан туман прокурори уринбосари М.Эсановнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 25-169 моддаси 1 қисмига асосан қарор билан судга юборилган:

1986 йил Навоий вилояти Хатирчи туманида тугилган, ўзбек, Ўз.Р. фуқароси, партиясиз, ўрта маълумотли, буйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд вилояти Каттақурғон туман Пайшанба шаҳарчасида истиқомат қилувчи, иш бўйича эҳтиёт чораси қулланилмаган, иш бўйича қарор нусхасини ўз вақтида олган Халилов Элёр Ороловичга оид 1-775/2005 сонли жиноят ишини кўриб,

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларни баёнотларини тинглаб, жиноят иши материалларини атрофлича тафтиш қилиб, прокурор фикрини эшитиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Э.О.Халилов 2005 йил 26 сентябрь кунни соат тахминан 09.00ларда Учтепа туманида жойлашган «Карвон бозори» худудидаги 7-сонли автомашина пуллик тўхташ жойида Х.Х.Рахматуллаевга тегишли Москвич-412 русумли давлат рақами 30М 8412 автомашина саломидаги нархи 31.250 сумлик махсус кийимни яширин равишда талон-тарож қилиш пайтида жиноят устида ушланган ва ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмаган. Дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи Х.Х.Рахматуллаев гумонланувчи Э.О.Халилов билан ўзаро ярашганлиги ҳақида ёзма ариза билан мурожаат қилган ва жиноят ишини тугатишни сураган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Э.О.Халилов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2005 йил 26 сентябрь кунни соат тахминан 09.00ларда Учтепа туманида жойлашган «Карвон бозори» худудидаги 7-сонли автомашина пуллик тўхташ жойида Х.Х.Рахматуллаевга тегишли Москвич-412 русумли давлат рақами 30М 8412 автомашина саломидаги нархи 31.250 сумлик махсус кийимни яширин равишда ўғирламокчи бўлганлигини, бунинг учун темир билан автомашининг кичик ойнасини очаётганида икки номаълум шахс томонидан жиноят устида ушланганлигини, ҳозирда жабрланувчидан кечирим сураганлигини ва ўзаро ярашганлигини кўрсатиб шу ҳақда ариза берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Х.Х.Рахматуллаев 2005 йил йил 26 сентябрь кунни соат тахминан 08.00ларда Учтепа туманида жойлашган «Карвон бозори» худудидаги 7-сонли автомашина пуллик тўхташ жойида ўзимга тегишли Москвич-412 русумли давлат рақами 30М 8412 автомашинани саломида нархи 31.250 сумлик махсус кийими билан қолдириб бозорга кирганлигини, бозорда юрганида радиоузелдан уни автомашинаси ёнига келишлигини, автомашина ёнига борганида у ерда милиция ходимлари Э.О.Халиловни ушлаб туришганлигини, бўлган воқеани айтишиб тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, ҳозирда унга моддий зарар етмаганлиги учун Э.О.Халилов билан ўзаро ярашганлигини инobatта олишни ва жиноят ишини тугатишни сураб кўргазма берди ва судга ярашув ҳақида ариза такдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66-1 моддасига кўра, ЖКнинг 169 моддаси 1 қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва етказган зарарни бартараф этган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши кўрсатилган. Ушбу ярашув тўғрисидаги қонунни мазкур моддасига кўра Э.О.Халилов томонидан содир этилган жиноятга дахлдор ва унга тадбиқ этилиши лозим бўлади.

Суд судланувчининг ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчилар томонидан унга нисбатан даввоси йўқлигини, етказилган зарарни бартараф этганлигини, жабрланувчини ярашганлиги ҳақидаги аризасини ва баёнотларни тинглаб юқоридагиларга амал қилган ҳолда Э.О.Халиловни жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Бинобарн, юқоридагиларга асосан ҳамда ЖПК ни 84, 582-583, 585-586 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ

Халилов Элёр Оролович ва Рахматуллаев Хайрулла Ҳамидуллаевичларни ўзаро ярашганлиги тўғрисидаги суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди юритувидаги 1-775/2005 сонли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84 моддаси 4 қисмига асосан ҳаракатдан ту гатилсин.

Иш бўйича датилий ашё темир қувирнинг бўлаги йуқ қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ўн кунлик муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шикоят беришга ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи судья:

Д.Ражабов

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳар жшоят ишлари бўйича Учтена туман суди
2006 йил _____ ойи _____ кунни

Судья: Д.Ражабов. Ш.Юсуповни котиблигида
Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг _____ моддаси билан
айбланаётган _____ ни

маъмурий ишени кўриб, чикди

Судья суд мажлисини очиб ва қандай иш кўрилиши ҳақида эълон қилди.

Котиб _____ ни келмаганлиги ҳақида маълумот берди.

Судья ўз жойида ажрим қилди.

Ажрим

келмаганлиги сабабли иш унинг иштирокисиз кўрилсин.

Қаршиликлар бўлмади. Суд хайъати эълон қилинди.

Судья баённомани уқиб эшиттирди ва иш материалларини кўздан кечирди.

Судья алоҳида хонага қирди ва чиқиб суд қарорини уқиб эшиттирди ва шикоят норозилик келтириш тартиб ва муддатини тушунтирди.

Суд мажлиси ёпик деб эълон қилинди.

Судья:

Котиб:

намуна

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтена туман суди 2006 йил ойи _____ кунда

Судья: Ражабов Д.

Юсупов Ш.Ю. котиблигида,

Ўзбекистан Республикаси МЖТКнииг _____ моддаси билан айбланаётган
ни маъмурий ишини кўриб,

Судья, суд мажлисини очиб ва қандай иш кўрилиши ҳақида эълон қилди.

Котиб суд мажлисига _____ келганлиги ҳақида хабар қилди.

Судья суд хайъатини эълон қилди.

_____ суд хайъатига ишонаман, эътирозим йўқ.

ни шахси аниқланди:

Саволлар бўлмади

Судья процессуал ҳуқуқларни тушунтирди.

Мени процессуал ҳуқуқларим менга тушунарли.

Судья ҳуқуқбузарлик баённомасини ўқиб эшиттирди.

кўргазмаси

Саволлар бўлмади

Судья иш материалларини кўздан кечирди.

Суд музокарага ўтади

Судья суд қарорини ўқиб эшиттирди ва қарорга шикоят норозилик келтириш тартиби ва муддатини тушунтирди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Судья:

Котиб: намуна

Т И Л Х А Т

Мен суд мажлисида судланувчи (лар)

Жиноят иши бўйича кўргазма беришда

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 237-моддаси, яъни ёлгон хабар берсам ва 238-моддаси ёки ёлгон гувоҳлик берсам жинойий жавобгарлик ҳақида огохлантирилдим ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 441-моддасига асосан

ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН

Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман.

ЖАБР-ЧИ: ЖАБ-ЧИ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ГУВОҲ:

ҚАРОР

11 ноябрь 2005 йил Тошкент шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди судьяси Д.Ражабов, Юсупов Ш.Ю.нинг котиблигида. Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 183-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбланаётган:

1987 йилда туғилган. миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси. вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар Учтепа туман К.Токзор кўчаси 23-уйда яшовчи Расулов Асадулла Ҳамидуллаевич оид бўлган маъмурий ишни кўриб, қуйидагиларни АНИҚЛАДИ:

Расулов А.Х. 2005 йил 9 ноябрь куни кучада ўзаро тушунмовчилик натижасида ўзига нотаниш бўлган фуқаро Ибрагимов С.С. билан жан-жаллашиб уни ҳар-хил уятли сўзлар билан ҳақоратлаб ҳолда майда безорилик содир этган.

Суд мажлисида Расулов А.Х. ўзини юқорида кўрсатилган ҳолатдаги айбига икромлик билдириб. қилган қилмишидан пушаймонлигини. бундай ҳолат биринчи марта бўлиб. бошқа такрорланмаслигини айтиб. суддан енгиллик беришни суради.

Суд, Расулов А.Х. ни баёнотларини суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлар ва иш материалларида мавжуд бўлган далиллар билан солиштириб. мазкур ҳолатлар уни ҳаракатлари натижасида келиб чиққанлигини эътиборга олган ҳолда, йиғилган далилларга юридик баҳо бериб уни Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 183 моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб ҳисоблайди ва унга жазо тайинлашда. содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини, чин кўнгилдан пушаймонлигини. биринчи марта бўлиши ва бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини инобатга олиб УзР. МЖТК нинг 33 моддасини қўллашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 245, 309-310 моддаларига риоя қилган ҳолда суд қарор қилади

ҚАРОР:

Расулов Асадулла Ҳамидуллаевич Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 183 моддаси билан ҳуқуқбузар деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 33 моддаси билан 5 минг (беш минг) сум жарима жазосига тортилсин.

Қарор дан норози томон 10 кун муддат ичида шикоят ёки эътироз келтириши мумкин.

Судья:

Д.Ражабов

намуна

ҚАРОП

/жиноят ишини тайинлаш ҳақида/

2006 йил январь ойи «17» куни жиноят ишлар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди судьяси: Д.Ражабов, туман суди биносидан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-1-моддаси 2 қисми «б» банди билан айб эълон қилинган Ташпулатов Гайрат Анарбаевичга нисбатан 1-86/2006 сонли жиноий ишни судда кўришга тайинлаш чоғида,

АНИҚЛАДИ:

Мазкур жиноий иш жиноят ишлар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди судловига тегишли бўлиб, жиноий ишни ҳаракатдан ётқизиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йук.

Жиноий ишни суд мажлисида кўришлик учун барча асослар етарли бўлиб, дастлабки тергов утказиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талабларига риоя қилинган, айбланувчига эҳтиёт чораси тўғри танланган.

Айблов ҳулосаси УзР ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилган.

УзР ЖПКнинг 395-397 моддаларини куллаб, судья

ҚАРОП КИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 186-1-моддаси 2 қисми «б» банди билан айб эълон қилинган Ташпулатов Гайрат Анарбаевичга оид жиноий ишни суд мажлисида кўриш учун 2006 йил январь ойи «19» куни соат 09-00 га тайинлансин.

Эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ушбу жиноий иш бўйича катнашиши лозим бўлган томонларга хабар берилсин.

Жиноят ишлар бўйича Тошкент

шаҳар Учтепа туман суди судьяси:

Д.Ражабов

Тошкент шаҳар Учтепа туман

прокурори Б.Т.Турсуновга

14.12.2005й. №С-К-402

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, Сиздан 2005 йил 19 декабрь соат 12.00 га туман суди биноси 402 хонага УзР. ЖК 169-моддаси 2-қисми «б, г» бандлари, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбланган **вояга етмаган** Сайдгазиева Ирода Сайдианвар кизига оид жиноят ишини кўришда суд мажлисида давлат айбловини қувватлаш учун ходимингиз иштирокини таъминлашни сурайман.

Судья:

Д.Ражабов

Тошкент шаҳар УЯ 64/ТХ-1 муассаси бошлиғи Э.Д.Камиловга

26.12.2005й № С-К-307

ФАРМОЙИШ

/ҳукм қонуний кучга кирганлиги ҳақида /

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 16 декабрь 2005 йил кунги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-166 моддаси 2 қисми «а» банди билан судланган 1973 йилда тугилган Касымов Сайфиддин Сайдыльевичга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан апелляция шикоятни ёки норозилик тушмаганлиги сабабли ҳукм 26.12.2005 й. куни қонуний кучга кирди ва зудлик билан ижро қилинсин. Махбус Касымов С.С.нинг паспорти иш материалларига қушилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани суди судьяси: **Д.Ражабов**

5.1. АДАБИЁТЛАР

5.1. Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 1993 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. “Адолат”, 1995 йил.
3. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг таҳрири. “Адолат”, 2001 йил.
4. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янгитаҳрири. “Халқ сўзи”, 27 октябрь 2001 йил.
5. Муаллифлар жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш.
6. “Дастлабки тергов органларининг процессуал ҳужжатлари (намуналар)”. Кожевникова И.Н. таҳрири остида. Москва, “Спарта”-1996.
7. Суриштирув органларининг процессуал ҳужжатлари (Амалий қўлланма, намуналар). М., “Юрист”, 1991.
8. Суд органлари ҳужжатларидан нумуналар. М., Юр. Ад. 1987 йил.
9. “Терговчининг ҳужжатларини ўрганиш” масъул муҳаррир Г.П.Саркисянц. Т., “Фан”, 1985 йил.
10. Авторлар. (Проф. Г.П.Саркисянц ва бошқалар). “Дастлабки текширувда жиний ишнинг қўзғатиш ва эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида” процессуал ҳужжатлар (Асосий акслар намуналари). Т., ТошДУ, 1985 йил.
11. Авторлар ва проф. Г.П.Саркисянцнинг “Дастлабки текширишда алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида”ги процессуал ҳужжатлар. ТошДУ, 1985 йил.
12. Муҳитдинов Ф.И. “Суд ҳужжатлари формаси ва уларни расмий-лаштириш учун услубий қўлланма”. Т., ТошДУ, 1979 йил.
13. Муҳитдинов Ф.И. “Суд ҳужжатлари намуналар”. Т., “Адолат”

5.2. Қўшимча адабиётлар

1. Жиноят процесси. Умумий қисм (Никифорова Е.Н.нинг умумий таҳрири остида). Т., “Адолат”, 2000 йил.
2. Муаллифлар “Жиноят процессида далиллар назарияси”. М., “Юр. лит”, 1973 йил.
3. Горский Г.Ф. Кокорев Л.Д., Эл.кинд П.С. “Совет жиноят процессида далиллар масаласи”. Воронеж. Воронеж университети, 1978 йил.
4. Совет жиноят процесси. Дарслик. Алексеева Н.С. ва проф. Лукашевич В.З. таҳрири остида. ЛГУ нашриёти, 1989 йил.
5. Шимановский В.В. “Жиноят иш қўзғатишнинг қонунийлиги ҳамда асосланганлиги”. ЛГУ нашриёти, 1987 йил.
6. Ефанова В.А. “Суд томонидан жиний ишнинг қўзғатилиши”. Воронеж университети, 1988 йил.

Ўтказилади

[\[19\]](#) Баённома нусхаси тинтилган шахсга топширилиши шарт. *(ЖПКнинг 164-моддаси)*

[\[20\]](#) Терговчи ишни тугатиш тўғрисида ҚАРОР чикаргач, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, химоячига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва унинг вакилларига, худди шунингдек иш қорхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабарига кўра қўзғатилган бўлса, шу қорхона, муассаса, ташкилот вакилига ёхўд фуқарога хабар қилади. Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилади

(ЎзР. ЖПКнинг 374-М.А-Қ.)